**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ**

**АЛИЕВА ГУЛНОЗА ШАВКАТ ҚИЗИ**

# ИЛМИЙ РАЦИОНАЛИЗМНИНГ ФАЛСАФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар: фалсафа фанлари доктори,**
**профессор Н.А.Шермухамедова**

**ТОШКЕНТ-2014**

## МУНДАРИЖА:

**КИРИШ**

**I-БОБ РАЦИОНАЛИЗМНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ**

1.1.Рационал билиш структураси ва даражалари

1.2. Фан ривожланиши ва илмий рационаллик турларини алмашиниши

**II-БОБ ЗАМОНАВИЙ ИЛМИЙ РАЦИОНАЛИЗМНИНГ ФАЛСАФИЙ-СИНЕРГЕТИК АСОСЛАРИ**

2.1. Замонавий илмий рационализм демаркацияси

2.2. Ночизиқли рационалликнинг гносеологик мавқеи

**III-БОБ МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ РАЦИОНАЛ АСОСЛАРИ**

3.1. Миллий ғоя ва рационаллик трансформацияси

3.2. Ижтимоий муштараклик тизими ва рационалликнинг ўзаро мутаносиблиги

**ХУЛОСА**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

# КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги**. Республикамизда чуқур ва кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётган, фан ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнларига татбиқ этиш йилдан-йилга кучайиб бораётган бир шароитда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий-маърифий ривожлантириш борасида мисли кўрилмаган улкан вазифалар қўйилмоқда. Ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштириш ва бошқарувнинг мураккаб вазифаларини самарали бажариш учун замонавий фанларнинг рационал асосларини атрофлича билиш зарур.

Жамият ҳаётини рационал билиш ва баҳолаш, бу борада тўпланган бой тажриба ва илмий фактларни тўғри тушуниш, жамиятнинг моҳияти ва ривожланиш қонуниятларини кашф этиш ва шу асосда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ривожланиш истиқболларини белгилаш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир. «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов, – инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни беқиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими –уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга»[1].

Шу жиҳатдан қараганда бугун ижтимоий жараёнларни рационал билиш методологиясининг аҳамияти ортиб бормоқда, чунки замонавий тадқиқотчи жтимоий ҳодисаларни билиш методологиясининг асосий принципларини, умумгносеологик қонуниятларни пухта ўзлаштирмай, инсоният ақли яратган лмий метод ва усуллардан самарали фойдаланмай туриб фанда юзага келаётган муаммоларни муваффақиятли ҳал қила олмайди. Айни шу маънода илмий рационализмни такомиллаштириш орқали

---

[1] Каримов И. А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 33.

бутун ижтимоий фанлар мажмуини ривожлантириш, уларнинг кўп қиррали ункцияларини муваффақиятли амалга ошириш, ижтимоий амалиётга самарали таъсир кўрсатишига эришишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Ҳозирда жамиятшуносликнинг янги методологик масалаларини ўрганиш табиатшунослик соҳасидаги тегишли тадқиқотлардан анча ортда олаётгани сир эмас. Бироқ ижтимоий фанларнинг илмий-диалектик методологияси республикамиз мустақилликка эришгач муайян даражада ривожланди, катта тажриба тўплади ҳамда рационал билиш ва унинг натижаларини амалиётда қўллашга кучли норматив ва регулятив таъсир кўрсатмоқда. Ижтимоий жараёнларни рационал билишнинг методологик масалаларини тадқиқ этиш давр талабларига жавоб бермаётгани ҳақида сўз юритганда олимларнинг ислоҳотлар даврида ижтимоий ҳаётда юз берган ўзгаришларнинг янги муаммоларини тадқиқ этишга етарли эътибор бермаётганликлари назарда тутилади. Зеро, ҳаёт бир жойда турмайди, ижтимоий амалиёт, фан, назария ҳам ривожланмоқда. Шу боис мамлакатимизда юз бераётган янги воқеликларни рационал жиҳатдан таҳлил қилиши зарур.

Фалсафанинг воқеликни методологик жиҳатдан ва дунёқараш жиҳатидан илмий билишга нисбатан узоқроқ ва чуқурроқ кўра олиши рационал билиш имкониятларини албатта инобатга олишни тақозо этади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси**. Қадимги давр Шарқ ва Ғарб фалсафасида рационал билиш муаммоси азалдан ўрганиб келинган. Жумладан, Зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авестода инсоннинг рационал билиш қобилияти ҳақидаги қарашлари илгари сурилган. Шунингдек Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Жалолиддин Румий, Абу Ҳомид Ғаззолий, Алишер Навоий ва бошқа шу каби Шарқнинг буюк мутафаккирлари томонидан инсоннинг ақлий ва нақлий фаолиятининг ўзаро алоқадорлигига оид концептуал қарашлар илгари сурилган.

Қадимги Ҳинд ва Хитой фалсафасида ҳам инсоннинг рационал билиш имкониятлари алоҳида қайд этиб ўтилган.

Рационализмнинг илмий-назарий ва эмпирик асослари, унинг назарий ва амалий муаммоларини ёритишда М.Хайруллаев, С.Шермуҳамедов, Э.Юсупов, Н.А.Шермухамедова, Қ.Назаров, И.Соифназаров, А.Ачилдиев, А. Бақоева, Иброҳим Каримов, М. Имомназаров, Т. Маҳмудов, З. Маракаев, А. Эркаев, В.Алимасов, Ш.Жўрабоев, М.Иномова, О.Мусурмонова, У.Маҳкамов, Э.Умаров, М.Холматова, У.Қорабоев ва бошқа олимларнинг илмий ишларини алоҳида қайд этиш лозим. Мазкур адабиётларда илмий рационализмнинг фалсафий-методологик хусусиятлари, Шарқ ва Ғарб файласуфларининг қарашларини танқидий-таҳлилий ўрганиш орқали ёритиб ўтилган.

Юқорида қайд этилган тадқиқотларда илмий рационализмнинг фалсафий хусусиятлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шу боис ҳам мазкур тадқиқотимизда илмий рационализмнинг фалсафий-методологик талқинига эътибор қаратилган.

**Малакавий битирув иши ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Малакавий битирув иши мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети “Фалсафа ва фан методологияси” кафедрасининг “Фалсафанинг умумназарий масалалари” номли илмий тадқиқот лойиҳаси доирасига киради.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Илмий рационализмнинг фалсафий хусусиятларини концептуал жиҳатдан таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

– “Рационализм” ва “Илмий рационализм” тушунчаларининг концептуал мазмунини очиб бериш ва унинг турли соҳа олимлари томонидан берилган таърифларига ойдинлик киритиш;

– Шарқ ва Ғарб фалсафасида рационал билиш ҳақидаги қарашлар ривожини танқидий ўрганиш;

– фан ривожланиши ва илмий рационаллик турларини алмашинишини қиёсий тадқиқ қилиш;

– фан фалсафасига оид концепциялардан келиб чиққан ҳолда замонавий илмий рационализм демаркациясини таҳлил қилиш;

– ночизиқли рационалликнинг гносеологик мавқеини илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

– жамият тўғрисидаги замонавий концепциялардан келиб чиққан ҳолда миллий ғоя ва рационаллик трансформациясини асослаш;

– ижтимоий муштараклик тизими ва рационалликнинг ўзаро мутаносиблигининг ўзига хос мақсад ва вазифаларини ўрганиш ҳамда бу борада илмий хулосалар ҳамда амалий таклиф-тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти.** Илмий рационализмнинг ривожланиш тенденциялари.

**Тадқиқотнинг предмети.** Илмий рационализм ривожининг онтологик ва гносеологик имкониятларини фалсафий таҳлилидан иборат.

**Тадқиқот методлари**. Малакавий битирув ишида ўзаро алоқадорлик, объективлик, системалилик, ворисийлик тамойиллари, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш, мантиқийлик, диалектика, синергетика каби усулларига таянилди.

**Илмий янгилиги:**

− маҳаллий ва хорижий файласуф олимларнинг “Рационализм” ва “Илмий рационализм” ҳақидаги қарашлари қиёсий таҳлил қилиниб, мазкур тушунчанинг мазмунига аниқлик киритилиб, унинг илмий таърифи ишлаб чиқилди;

− Шарқ ва Ғарб фалсафаси ғояларидан келиб чиққан ҳолда рационал билишнинг намоён бўлиш шакллари қиёсий тадқиқ қилинди;

– Англо-америка фалсафаси вакилларининг қарашлари асосида фан ривожланиши ва илмий рационаллик турларини алмашиниши қиёсий тадқиқ қилинди;

– Вена тўгараги вакилларининг фан фалсафасига оид қарашларидан келиб чиққан ҳолда замонавий илмий рационализм демаркацияси таҳлил қилинди;

– синергетика доирасидаги тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда ночизиқли рационалликнинг гносеологик мавқеи илмий-амалий жиҳатдан асосланди;

– жамият тўғрисидаги замонавий концепциялардан келиб чиққан ҳолда миллий ғоя ва рационаллик трансформацияси асосланди;

– Ижтимоий муштараклик тизими ва рационалликнинг ўзаро мутаносиблигининг ўзига хос мақсад ва вазифалари ўрганилди ҳамда бу борада илмий хулосалар ҳамда амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Малакавий битирув иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети “Фалсафа ва фан методологияси” кафедрасида тайёрланган ва ҳимояга тавсия этилган (2014 йил … .-сонли баённома).

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Муаллифнинг мавзу юзасидан илмий-назарий журналларда 1 та республика конференциялари ва илмий тўпламларида 3 та мақола ва тезислари чоп этилган.

**Малакавий битирув ишининг тузилиши ва ҳажми.** Малакавий битирув иши “Кириш”, олтита параграфни ўз ичига олган учта боб, “Хулоса”, “Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати” дан иборат.

# I.БОБ. РАЦИОНАЛИЗМНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

## 1.1. Рационал билиш структураси ва даражалари

Билим шаклланиши билиш жараёнида яхлит, мураккаб тизимдир ва муайян структурага эга.. Ҳиссий билиш билишнинг биринчи босқичи бўлиб, “билиш мумкин бўлган нарса - билувчи” структурага эга; фикрлаш босқичида қуйидаги элементлар қўшилади: билиш субъекти – билувчи, билиш объекти – билиш мумкин бўлган нарса ва билиш воситаси. Шундай қилиб, тафаккур, рационаллик босқичидаги билиш жараёнининг умумий тузилиши қуйидагича кўринишга эга: билувчи – билиш воситаси – билиш мумкин бўлган нарса. Ушбу билиш жараёнининг уч аъзоли тузилишида инсон фаолиятининг барча ва авваламбор моддий-меҳнат, амалий турларидаги уч аъзолилик акс этади, яъни ҳар қандай фолиятда субъект, объект ва ҳаракат воситаси бўлиши лозим.

Билиш тизими, ўз навбатида, янада мураккаб бўлган тизимга – инсоннинг амалий ҳаётий фаолиятига киради, у эса – инсонни қуршаб турган олам тизимига киради. Шу билан бирга у ўзига тегишли бир неча тизимчалардан таркиб топган. Юқорида келтирилган тузилиш таркибий қисмларининг ўзаро таъсири ҳаракатчан, узлуксиз билиш жараёнини ҳосил қилади ва унда фаол етакчи роль субъектга тегишлидир. Шуни таъкидлаш керакки, билиш тузилиши ўз ичига натижани, яъни билимни ҳам олади, лекин натижани унга олиб келган жараён билан бирга, фаолият билан бирга ва фаолиятнинг таркибий қисми сифатида олиш керак. Билиш фаолиятидаги билиш жараёни тузилишининг ҳар бир таркибий қисми ролини кўриб чиқайлик.

Билувчи субъект устунлик қилувчи, бош ролни ижро этувчидир, чунки айнан у билиш жараёнини ташкил этади ва онгли равишда уни бошқаради.

Билиш субъекти бўлган инсон, ҳам алоҳида индивид сифатида, ҳам умуман жамият сифатида бўлиши мумкин. Билишнинг юқори даражаларида, онг шаклланаётган даврда, инсон тартибсиз равишда содир бўлаётган (стихияли) билиш жараёнини мақсадга йўналтирилган жараёнга айлантириб, бунда билувчи субъектнинг фаоллиги, ижод қилиши айниқса намоён бўлади. Билиш субъекти фаолиятини ўзгартириши билан бирга ўзининг билиш қобилиятини ҳам ўзгартиради, унинг самарадорлигини оширади. Бунинг натижасида билиш тавсифининг айнан ўзи ҳам ўзгаради, янада мураккаб, чуқур, самаралироқ бўлиб боради.

Билувчи субъект фаолияти доирасига кирувчи барча нарсалар билиш объектига айланади. Фақат шундай вазиятда мавжуд нарса билиш объекти бўлиши мумкин. Билиш доираси узлуксиз кенгайиб боради, унга мувофиқ билим ҳажми ҳам катталашиб боради. Билим кенгайиши билан бирга чуқурлашиб боради, билувчи субъектнинг билиш мумкин бўлган объектни тушуниши чуқурлашади. Демак, бунда қарама-қарши, лекин бирликда ривожланаётган жараёнлар: билимнинг кенгайиши ва чуқурланишини кузатамиз.

Билиш жараёнига ёрдам берувчи барча нарсалар билиш воситаси сифатида намоён бўлади. Билимга эга бўлиш учун билувчининг билиш объектига ишлатадиган муносиб қуроллари бўлиши зарур. Билувчи субъектдан сўнг билиш воситаларининг роли энг аҳамиятлидир. Билиш фаолияти натижаси, олинган билимлар чуқурлиги ва кенглиги билувчи субъектнинг билиш воситасига боғлиқ.

Кўриб чиқилган билиш жараёни таркибий қисмлар тафовути ва аниқлиги нисбийдир, бу таркибий қисмлар бирликда, ўзаро таъсирда мавжуд ва фақат шу ўзаро таъсирда ўзининг аниқлигини намоиш қилади.

Фалсафада рационаллик муаммоси энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Рационаллик муаммоси файласуфлар, социологлар, фаншунос олимлар томонидан фаол муҳокама қилинмоқда. Ушбу муаммога бўлган

қизиқишнинг асоси шундаки рационаллик табиати билан боғлиқ масала фақатгина назарий бўлмай, балки авваламбор ҳаётий-амалий масаладир. Чунки жамият индустриализацияси ижтимоий онг, фалсафа ва социологияда рационалликка чуқур қизиқиш уйғотди. Индустриал цивилизация, бу – рационалликка асосланган цивилизация бўлиб, янги технологиялар ривожланишини рағбатлантирувчи фан, унда асосий роль ўйнайди. Шу билан бирга муаммонинг долзарблигига ҳозирги замон цивилизацияси тақдири, фан ва техниканинг тараққиёти рационаллик билан боғлиқ сабаб бўлмоқда. Рационаллик муаммосига бўлган бундай кенг қизиқишнинг тагида технотрон цивилизацияси сабабчи бўлган кескин ўзгаришлар, аввало экологик кризис ётади.

Рационаллик ўзи нима, унинг моҳияти қандай, билиш ва амалиёт учун у қанчалик аҳамиятли? Рационаллик ақл тимсоли сифатида фақат фан доирасига тегишлими ёки гап фаолиятнинг барча, шу жумладан диний, турлари рационаллиги ҳақида кетиши керакми? Рационаллик муаммосининг айрим жиҳатлари ана шундайдир.

Рационалликнинг қуйидаги таърифлари мавжуд – 1) илмий фаолиятнинг рационаллиги. Фалсафа ва фан методологиясида билиш фаолиятининг меъёр ва идеаллари, асослаш, тушунтириш ва тавсифлаш меъёр ва эталонлари, исботлаш меъёрлари, билимларни ташкил этиш идеаллари ва ҳ.к. ларга катта эътибор берилади; 2) рационаллик ижтимоий англанган мақсадларга етишиш ва уларни муайян жамоа томонидан қабул қилинишининг оптимал нормативлик, қоида, меъёр, эталон, стандартлар мажмуаси сифатида.

Одатда рационаллик деганда қандайдир мақсадга йўналтирилган ва бунинг учун адекват, яъни мақсадни амалга оширилишига олиб борувчи, воситалардан фойдаланувчи ҳаракат тушунилади. Шундай қилиб, рационаллик тушунчасининг ўзидан икки таркибий қисм ажралиб чиқади: мақсад ва мақсадга етишиш воситаси. Мақсадга етишиш воситалари, бу – объектив жиҳатдан ҳақиқий билим олиш усулларидир.

XX асрнинг биринчи ярмида рационаллик муаммоси А.Бергсон, Э.Гуссерль, М. Вебер, М. Хайдеггер, К. Ясперс каби файласуфларни қизиқтирган. Айнан шу мутафаккирлар рационаллик мавзусини инсон ҳаётий олами ва фаолиятини шакллантирувчи тамойили, инсоннинг табиатга ва ўзига ўхшаганларга белгиловчи муносабати ҳақидаги масала сифатида қайд қилишди. Бу даврда илмий изланиш методологияси ва мантиғини ўрганувчилар, илмий билим ишончлилиги асосларини изловчилар ва фан ривожланишини назарий жиҳатдан қайта ташкил қилишни тавсия этишга ҳаракат қилганлар ичида илмий рационаллик танқиди тарафдорлари йўқ эди. Фан рационаллик тимсоли эди.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб фан фалсафасида рационаллик тушунчаси қайта кўрила бошлади. Ўша вақтда постпозитивизм йўналиши шаклланди. Т. Кун, И. Лакатос, С. Тулмин, П. Фейерабенд каби атоқли алломалар унинг намояндалари эди. Неопозитивизмдан фарқли ўлароқ бу йўналиш фаннинг тарихий-методологик моделини яратишга ҳаракат қилди ва бундай моделнинг қатор кўринишларини таклиф этди. Бунда фан фалсафаси рационалликнинг тарихий хусусияти муаммоси билан тўқнашди. Фалсафа тарихига назар ташлаганимизда ақлнинг тарихийлигига доир масала XYIII асрнинг охирида пайдо бўлганини кўрамиз. Унгача ақл тарихдан ташқари, ўзига айнан нарса, умуман инсонни инсон сифатида белгиловчи асосий моҳияти сифатида кўрилган эди. XYII аср – XYIII аср биринчи ярми давридаги рационализм масаласи - ақл борлиқ ҳақида фикр юритади ва бу илмий билим объективлиги ва зарурийлигини кафолатловчи унинг ҳақиқий моҳиятидир деган фикрдан иборат эди. Ушбу тасаввурга кўра, рационал мулоҳаза (ҳукм) тамойиллари ўз аҳамиятини ҳар қандай даврда, ҳар қандай маданий-тарихий ҳудудда сақлаши лозим.

XIX асрда бу тезис, бир томондан, француз позитивизми (Сен-Симон, Конт: билиш ва ижтимоий ривожланишнинг уч босқичи тўғрисидаги қонун), иккинчи томондан – билиш субъектини тарихий деб кўришни тавсия қилган

Кантдан кейинги идеализм (айниқса Гегель томонидан) шубҳа остига олинди. Натижада илмий ва ноилмий, ёлғон ва ҳақиқий билимни кескин ажратилиши бекор қилинди. Шундай қилиб ҳақиқат янги таърифга эга бўлди – у энди тарихийга айланди.

XIX асрнинг иккинчи ярми, XIX аср охири – XX аср бошларида ақлнинг тарихийлик тамойилининг ривожланиши ва чуқурлашиши давом этди. XX асрнинг биринчи чорагида фалсафий фикр маданиятлар типологияси сифатида тушунилган билим тарихий типологиясини яратишга ҳаракат қилди Табиатшунослик ва бунга мувофиқ табиатшунослик фалсафаси рационалликка бўлган тарихий ёндашишни XX асрнинг бошигача қабул қилмади.

Маданият тизимида рационаллик ривожланишининг ҳозирги давр босқичи ўзига хослигини тушунишга ҳаракат қилган олимларда – ҳозирги замон дунёсида рационаллик, рационал онг маданий қадрият сифатида аҳамият касб этадими деган савол туғилади?

В.С. Швырев фикрига кўра, “ҳозирги шароитда инсоннинг дунёга бўлган муносабатини масъулият анъанасини давом этдириш” айнан рационаллик асосида амалга оширилиши қайд этилиши лозим. Рационалликни инсон ва жамият ҳаётига таъсирини кучайтириш (бу ҳозир айниқса турли ижтимоий жамоалар учун зарур) мақсадида уни оқлашга уринишлар сезилмоқда. Рационаллик, В.С. Швырев фикрига кўра, инсонни оламга бўлган қарашлари нуқтаи назари инсон интеллектуал қобилиятлари тарихда шаклланган. У қуйидагиларни тақозо қилади: танқидийликка асосланиб масъулиятни анаъна обрўсига эмас, балки ўзига, ўз фикрига таяниб инсон фаолият олиб боради. Ушбу фаолият инсон нуқтаи назари дунёда содир бўлаётган ваҳшийликларга мувофиқ, адекват бўлмоғи лозим, борлиқни онгга, фаолият идеал режасининг унинг натижасига мувофиқлиги (кейинчалик айнанлиги) ва инсони ўз хатти-ҳаракатларини онгли равишда бошқаришга етишади. Олим фикрига кўра, рационалликни икки турга бўлиш мумкин: “ёпиқ” (реал концептуал схемани

амалга оширувчи) ва “очиқ” (реалликнинг янги илмий моделларини ривожлантиришга йўналтирилган, янги мақсад йўналишлари ва концептуал асослар тизимларини излаш). “Ёпиқ” рационаллик мақсадга мувофиқ ёки мақсад сари йўналган фаолиятда амалга оширилади ва бунда у рационализация сифатида намоён бўлади, яъни қўйилган мақсадни амалга оширишга доир энг мувофиқ воситаларни излайди. Шундай қилиб, В.С. Швыревнинг “ёпиқ” рационаллиги М.Вебер тушунган маънодаги формал рационаллик ёки мақсадга асосланган рационалликка яқинлашди.

Фаолият мақсадларининг ўзи танқидий таҳлил қилинган вазиятда, бу эса мақсад қўйиш доирасига тегишлидир, “очиқ” рационаллик ҳақида гап олиб борилади. “Очиқ” рационаллик, В.С. Швыревнинг гапига кўра, “дастлабки билиш координатлари қайд қилинган тайёр тизимидан, белгиланган шартлар билан чекланган мустаҳкам конструкциялар чегарасидан чиқиш кўрсатмасига амал қилишни тахмин қилади”. Шу билан бирга “очиқ” рационалликка “рационал онгнинг дастлабки шартларини танқидий рефлексив таҳлил қилиш... ва бунинг натижасида рационал билиш фаолиятининг келажакдаги янги йўналишлари, унинг асосида воқеликни билиш горизонтларини кашф этиш кўрсатмаси” хосдир.

Шундай қилиб, “очиқ” рационаллик кўрсатмалари, бу – биринчидан, имкониятлар мавжудлиги тан олиниб, уларнинг барчаси учун рационал нуқтаи назари асосида танлов олиб борилганда бир маъноли мезон умуман турли нуқтаи назарлар, келажакда объект ва вазиятларни идрок қилишнинг турли хил манзаралари мавжуд бўлиши мумкинлини таъкидлаб, улар учун рационал танлов ягона, бир маънога эга бўлган мезон умуман мавжуд эмаслигини эътироф этилади. Иккинчидан, турли нуқтаи назарлардан қатъий назар биз ўз хатти-ҳаракатларимиз ва билишимиз орқали қандайдир муносабатда бўлган ва олим уни “жонли воқелик” деб атаган реалликнинг ўзи ҳам мавжуд.

Рационалликнинг анъанавий ва замонавий кўринишларини эътироф этиш: очиқлик ва ёпиқлик, монологизм ва диалогизм, тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган рационаллаштириш, бетарафлик ва масъулият, қадриятлар билан боғлиқ ўлчовни истисноси ва киритилиши, ўзгармас (стационар) ва ўзгарувчан реаллик, реалликни қайта ишлаб чиқариш ва лойиҳа-конструкторлик фаолият, ижтимоий ҳаракат контекстидан мавҳумлашиш ва унга киритиш, рационаллик ва эркинлик, ижодни қарама-қарши қўйиш ва мувофиқлаштириш. В.С. Швырев фикрига кўра, “объектга боғлиқ-қайд қилувчи онгдан лойиҳа-конструктив онгга”, сўзлашув тарзидаги, “коммуникатив рационалликка” ўтиш зарур, “ёпиқ” ва “очиқ” рационалликларнинг қарама-қарши қўйилиши секин-аста бартараф этилиши, уларни билиш ва амалий фаолиятда уйғунлашиши ва ўзаро таъсир этишига етишиш кўрсатмасига урғу берилиши лозим.

## 1.2. Фан ривожланиши ва илмий рационаллик турларини алмашиниши

Шарқда уйғониш даври мутафаккирлари инсоннинг ақл - идрокига ва илмий билишига юқори баҳо берганлар. Ф.Роузенталь “Шарқда бир қатор диндорларнинг ишларида “ҳуқуқ принциплари” ва шу билан бирга анъанавий тарзда эпистемологик билимлар ҳақида маълумот берган”[1]лигини таъкидлаб ўтади. Шундай билимларнинг равнақига катта ҳисса қўшган аллома Форобий бўлиб, у ақл айни вақтда объектив реалликни акс эттиришини ва ақлий билишнинг объекти, мазмуни ҳам акс этишини билдиради. Ақлий билишнинг объекти ва мазмуни объектив дунёни ташкил этади. Ақл ҳиссий билишдан акс эттириш усули ва характери билан фарқланади. Буюмларнинг ташқи ўзгарувчан хусусият ва белгилари сезги орқали қабул қилинса, у ҳолда ақл буюмларнинг турғун жиҳатларини, хусусият ва белгиларининг

[1] Роузенталь Ф. Торжество знания. - М.: Наука, 1978. -С.227.

негизини билиб олади. Ҳиссий билиш таъсирланиш натижасида вужудга келиб, бунинг учун муайян ҳолда турувчи конкрет буюм бўлиши талаб этилади, ақлий билиш учун эса бундай талаб этилмаслигини баён этади.

Нарса моҳиятини текширганда, ақл ҳар бир нарсани у билан боғлиқ бўлган сезгилар орқали бўлинадиган хислатлардан ажратишга ҳаракат қилади, ақлнинг фаолияти ҳам ана шундан иборатдир[1], деб таъкидлайди.

Ақл нуқтани чизиқдан, чизиқни юза сиртидан, сирт юзани эса жисмдан ажратади, чунки улар бир-бирига гарчи боғлиқ бўлса-да, уларнинг моҳияти ажратилгандир. Ақлнинг ҳаракати ҳар қандай фикрланадиган нарсани унинг моҳиятига қараб ажратганлиги сабабли Форобий бу нарсаларни бир-биридан ажратилган деб қарайди.[2]

Форобийдан кейинги Шарқ алломаси Ибн Синонинг фалсафий ва илмий билимлари инсоният учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ибн Сино ўз дунёқарашида илмий билиш ёрдамида қўлга киритилган ва ривожлантирган илм-фанга ниҳоятда катта эътибор беради. Инсон етуклиги, жамият тараққиётини ҳам фан, илмни эгаллаш билан боғлайди. Мутафаккир ўзининг “Китоби Алоий” ёки “Донишнома” асарида “Қадимий ҳикмат фанлари бештаси асос ва масалаларини қисқача қамраб олиши лозим”[3]-деб айтиб ўтади ва бу китобни беш бўлимга бўлади. Булардан биринчиси инсон ақли ва тафаккури билан боғлиқ бўлган мантиқдир. Унда инсон билимини иккига бўлади, тушунув ва фикрловга. Бу икки тур тушунча икки хил бўлади. Биринчиси бирор нарсага тафаккур воситасида эришилади, унга фақат ақлгина эришиши мумкин. Иккинчисига эса ақл ёрдамида эмас, балки бирор бошқача усулда эришиш[4], деб изоҳ беради.

Ибн Синонинг илмий билимлар тизимини ўрганишга қўшган катта ҳиссаси тиббиётда соҳасида намоён бўлади. У тиббиётни фан сифатида

---

[1] Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Т.: Ўзбекистон, 1971. 226-227 б.
[2] Қаранг: Проблемы востоковедения. - М.; 1959. № 4. -С.94-96.
[3] Ибн Сина. Избранные философское произведения. - М.: Наука, 1980. –С.60.
[4] Қаюмов А. Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино. -Т., 1987. -182 б.

баҳолайди ва қуйидагича таърифлайди: “Мен тиббиётни инсон танининг ҳолатини билдирувчи илм, деб ҳисоблайман. Чунки у саломатликни сақлаб қолиш ва агар у йўқолган бўлса, уни қайтариш учун керакдир”.[1] Аллома тиббиёт илмини юксак даражага кўтаради ва илмий-назарий билишга катта ҳисса қўшади.

Ибн Синонинг замондоши, қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг илмий билимлар тараққиётига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Унинг илмий фаолиятида рационаллик ва эмпирик тадқиқотлар муҳим ўрин эгаллайди. “Беруний табииётшуносларга табиат ҳодисаларини кузатишни, кўришни ва уларни эслаб қолишнигина тавсия этиб қолмай, балки илмий тадқиқотларда ғайрат ва матонатли машғулот, яъни, тажриба ҳам зарурлигини уқтиради”[2]. Бу хусусида Беруний “Баъзилар кўзлари билан кўрмагунча ишонмайдилар. Ваҳоланки, улар инкор этган нарсаларнинг кўпини ақл мумкин деб билади. Бинобарин, мушоҳада қилмай уларни инкор этиш тўғри бўлмайди...”[3],-деб таъкидлайди.

Бу даврнинг яна бир буюк алломаси Ибн Халдун “...ўрганиш ва ўқитиш предмети бўлиб хизмат қиладиган фанлар икки турга бўлинади:

1) инсон учун табиий фанлардирки, у ақл кўзи билан эгалланади;

2) анъанавий фанлардирки, улар ким асос солганига қараб тақлид қилиб ўрганилади.

Инсон тасаввури бу фанларни ўрганишга, уларнинг масалаларини кўриб чиқишга ҳамда исботлар келтиришга олиб келади, чунки у буларга ўз эътиборини қаратади ва уларда хақиқатни хатодан ажратиб олишга ҳаракат қилади...”[4], деб фикрларини баён этади.

---

[1] Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд. -Т., ЎзФА Фан нашриёт, 1988. -5 б.

[2] Мўминов И. Ўзбекистонда табиий илмий ва ижтимоий фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. -Т.: Фан, 1999. -27 б.

[3] Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд. -Т.: Фан, 1968. -23 б.

[4] Избранные произведения мыслителей стран Ближного и Средного Востока. - М.: Соцгиз, 1961. -С.622.

Чиндан ҳам, бу давр алломалари ўзларининг рационалистик ва эпистемологик фикрлари ва назарияларини мумкин қадар ёритиб беришган. Шу нуқтаи назардан қараганимизда, илм-фан равнақига қўшган ҳиссалари беқиёс саналади.

Шарқ уйғониш давридан кейин рўй берган Ғарб ўйғониш даврида буюк аллома ва файласуфларнинг фикрлари муҳим аҳамиятга эгадир. Айнан шу даврдан бошлаб Ғарбда фан ва илмий билимлар (эпистемология) ривожлана борди. Шундай бўлса-да ҳамон черковнинг таъсири катта эди. Бу даврда дунёвий билимларда янгилик яратиш бидъат сифатида қаралган. Шунинг учун ҳам “Ҳар қандай янгилик бидъат сифатида бошланади ва бир йўналиш сифатида ниҳоясига етади”[1] деган фикрларга дуч келамиз.

Ғарбда Ўрта асрлар билиш назарияси, эпистемология, умумий томистик фалсафанинг таркибий қисми ҳисобланади. Бундай тушуниш янги даврда рационалистлар ва эмпиристлар эпистемологияни марказига жойлаштиргунларига қадар кўп жиҳатдан оддий бўлиб келади. Уйғониш даврига келиб эса янгича ёндашувлар пайдо булади яъни, тажрибавий билимга қизиқиш уйғонади, дунёнинг умумий манзарасида билишнинг ўрни ва роли тўғрисидаги тасаввурлар ўзгаради.

Бу даврда Николай Кузанский билимни ёритиб беришда ўзининг бир-биридан фарқ қилувчи уч жиҳатини кўрсатади: 1) тажриба (ҳиссий тажриба), 2) идрок (Versfand), 3) ақл (Geist, Vernunft) ёки 1) ҳиссиёт, 2) тушуниш (идрок), 3) илмий билиш[2]. Шундай қилиб Николай Кузанский ўзининг “Берилл” асарида ақл тўғрисида қуйидагиларни тўғридан-тўғри айтиб ўтади: “Билишнинг уч тури мавжуд: ҳиссий тажриба, идрок ва олий ақл”[3].

Ҳақиқий изланиш рационаллик билан боғлиқ бўлган тақдирдагина бирор натижага эришиши мумкин. Рационаллик туғилгандан бошлаб вужудга

---

[1] Lorenz K. Behind the mirror: a search for a natural history of human knowledge. - L., 1977. -P.240
[2] Қаранг:Далмайр Ф.Николай Кузанский о вере, знкнии и ученом назнании // Вопросы философии. – М., 2007. - №2. -С.36.
[3] Nikolia de Cuca. De berillo – Uber den Berill,ed and trans Karl Bormann. Hamburg: Felix Meiner, 1987. -P.7

келмайди, уни шакллантириш керак бўлади. Рационалистлар объектив оламнинг рационал тузилганлигига ишонадилар. Рационал тафаккур нарсаларнинг структурасини рационал тузилганлигига адекват бўлиши керак.

Рационализм очиқ тизим сифатида моддий нарсаларнинг тузилиш структурасини очиб, ривожланиш жараёнида олдингиларига нисбатан катта алоқалар ва муносабатларни қамраб олади ва тадқиқ этади.[1] "Рационал фикр объектларни ўрганиш давомида нафақат такрорлаш билан ва нафақат реконструкцияси билан машғул, балки уни қайта ташкил этиш ва қуриш билан ҳам шуғилланади"[2].

XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ғарб ўрта аср тафаккурида бўлган схоластик ҳислатларга зид бўлган рационал, назарий қарашлар табииётшунослик ғоялари ривожланди. Фан табиатдаги ҳодисаларни бир хил маънода тушунтириладиган бўлди. Олимлар табиатдаги ҳодисалар бир хил моҳиятга коинотни ҳар бир нуқтасида жисмлар бир хил механик, физикавий ҳоссаларига эга деган фикрга келдилар. Шу даврдан бошлаб классик давр шакллана бошлади ва уни янгилайдиган назарий-услубий ғоялар вужудга келди. Биз бу давр эпистемологиясини табииётшуносликда юз берган ҳодисаларда ёритиб беришни мақсад қилиб қўйдик.

XIII аср охири XIV аср бошларидаги табииётшунослик ҳақидаги билимлар давр нуқтаи назардан қараганимизда маълум бир тизим сифатидаги тахминан XVI-XVII асрларда бошланиб, XIX-XX асрларда ниҳояга етади. Ўз навбатида ушбу даврни икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин: механик табиатшунослик ва эволюцион ғояларнинг вужудга келиши даври.

Механик табиатшунослик босқичи Ғарбда феодализмдан капитализмга ўтиш даврига тўғри келди. Ишлаб чиқариш кучларининг шиддатли ривожланиши (саноат, тоғ - кон ва ҳарбий саноат, транспорт ва бошқа

---

[1] Абдуллаева М.Н. Эпистемологическая эволюция рационализма // М.Улуғбек номидаги Миллий университетнинг 90 йиллигига бағишланган илмий конференция материаллари тўплами. -Т., 2009. - 28 б.
[2] Башляр Г. Новый рационализм. – М., 1987. -С.288.

соҳалар) бир қатор техник вазифаларни ҳал қилишни талаб этарди. Бу эса, ўз навбатида, мустақил фанларнинг интенсив равишда шаклланишига ва ривожланишига олиб келди. Билишнинг шакллари, услублари, имкониятлари, механизмларига ва муаммоларига бўлган эътибор янада кучайди.

Бу даврда физиканинг математик асослари - дифференциал ва интеграл ҳисобни яратишга, бутун олам тортишиш қонунининг очилишига, кўзгу телескопнинг ихтиро қилинишига олиб келган ишлар амалга оширилди. Ньютоннинг классик фан тараққиётига қўшган ҳиссаси юқори бўлиб, бутун дунё тортишиш қонунининг математик формуласини, Кеплер қонунларини назарий жиҳатдан исботлаб, фазо механикасига асос солди. Умумий нуқтаи назардан келиб чиқиб бир талай тажриба ахборотларини, шу жумладан ер, ой ва сайёраларнинг ҳаракат тенгсизлигини, денгиз суви кўтарилишини тушунтириб берди.

Ньютон кашф қилган бутун олам тортишиш қонунини муваффақиятли равишда осмон жисмларининг ҳаракатини тушунтиришга татбиқ қилди. Бу қонунга кўра, барча моддий жисмлар бир – бирига тортилиб, бунда тортишиш кучи катталиги жисмларнинг физик ва химиявий хоссаларига, уларнинг ҳаракат ҳолатига, жисмлар турган муҳитга боғлиқ эмас. Ерга тортилиш ҳар қандай моддий жисмни Ерга тортилиши туфайли вужудга келувчи оғирлик кучининг мавжудлигидан намоён бўлади.

XIX асрнинг охирига келиб эпистемология гносеологиянинг таркибидан чиқиб, мустақил ва ихтисослашган метаназарий билиш соҳасига айланди. Классик фалсафанинг бағрида таълимот, қараш ёки ёндашув кўринишга эга бўлган эпистемология ноклассик фалсафада илмий билиш назарияси сифатида шаклланди, фандаги инқилобий импулсларга жавобан ўзини янги парадигмал унсурлар билан бойитиб борди.

XX асрга келиб табиатшунослик, математика ва мантиқ фанларининг ютуқлари таъсирида эпистемологиянинг турли (аналитик, операционал,

норматив, семантик, структуравий ва бошқалар) йўналишлари вужудга келди, ривожланди.

Аналитик фалсафа эпистемологиясида бирдан-бир асосланган ва ишончли билим махсус илмий билимдир, деган ғоя олға сурилди. Бу эпистемологиянинг парадигмал ядросини мантиқий таҳлил тамойили ташкил қилади. Мантиқий таҳлил усулини асосий вазифаси фандан метафизик унсурлар ва қолдиқларни олиб ташлашдир. Бунинг учун яна бир вазифани бажаришга тўғри келади. Бу ҳам бўлса илмий билишнинг мантиқий тузилишини тадқиқ қилиш.[1]

XIX асрнинг 30-40 йилларига келиб эпистемология билан боғлиқ бўлган фалсафий йўналиш позитивизмга Францияда О.Конт томонидан асос солинди.

Позитивизм фалсафасининг рационаллиги шундаки, у билиш дунёқараш, қадрият сифатида, ҳар қандай фалсафий талқиндан озод бўлиши лозимлигини ёқлаб чиқди. Инсон билими, тафаккури олдинга қараб ҳаракат қилади ва у ўз тарихига эгадир. Инсоният тафаккури тараққиётини ўрганиш бир қатор омилларнинг очилишига ҳам олиб келди. Булар, теологик ёки ёлғон, метафизик ёки мавҳумлашган, позитив ёки илмийлардир. Инсон рационал билиши шу йўлларни босиб ўтиши тажрибада аниқланди.

XX асрнинг бош ва ўрталарига келиб позитивизм асосида неопозитивизм фалсафаси вужудга келди ва бу кейинчалик мантиқий позитивизм деб ҳам атала бошланди. Бу оқимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, позитивизмга хос бўлган барча билимлар фақат тажрибадан келтириб чиқазишга асосланади, тажриба эса билимнинг асосий манбаи деб ҳисобланади. Неопозитивизмнинг бошқа бир гуруҳи вакиллари, билимнинг ҳақиқат меъзони сифатида верификация принципини илгари суради. Бу принципга кўра, билимларни ҳиссий тажриба, кузатиш, эксперимент йўллари билан текшириш мумкин.

[1] Постноклассик фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари. – Самарқанд, 2011. -93 б.

Неопозитивизмга кўра, билиш назарияси ҳатто фалсафанинг ҳам мавзуси бўла олмайди, чунки фалсафа дунёқараш характерига эгадир. Фалсафа фан эмас, балки сунъий ва табиий тилларни таҳлил этувчи фаолият тури ҳисобланади. Фалсафанинг вазифаси фанни мафкуравий эҳтиёжлар, тилдан нотўғри фойдаланиш оқибатида кириб келган фикр-мулоҳазалар, муаммолар, тушунча ва иборалардан тозалаш ва уларни идеал тарзда уқтириб бера оладиган мантиқий моделларни яратишдир деб ҳисоблайдилар.

XX асрнинг ўрталаридаёқ неопозитивистик эпистемологияда жиддий камчиликлар борлиги аён бўлди. Шу нарса аниқландики, инкор этилган метафизик тасаввурлар қайси бир маънода эпистемологик муаммоларни ҳал қилиш борасида аҳамиятли хислатга эга экан. Маънолар барқарорлиги ва аниқлигини ўрнатишга қаратилган фан тилини тўла формаллаштириш ғояси асоссиз бўлиб чиқди. Верификация тамойили ёрдамида назария структурасига кирган барча ҳукмларнинг чинлигини текшириб ёки тасдиқлаб бўлмаслиги аён бўлди.

Неопозитивизмдан кейинги шаклланган йўналиш постпозитивизм бўлиб, XX асрнинг 50 - 70 йилларида неопозитивизм ғояларини танқид қилиш жараёнида юзага келган. Постпозитивизмнинг асосий йуналишларига К.Попперниng танқидий рационализми, У.Куайн ва М.Уайтнинг прагматик таҳлили ва ҳозирги замон фалсафий реализмининг турли йуналишлари киради.

Постпозитивизмда билишнинг дастлабки нуқтаси бевосита қабул килинган элементлар ёки кузатиш билан эмас, балки назария билан боғлиқ бўлади, чунки, назариядан илгари ва ундан ташқари билишнинг бўлиши мумкин эмас. Ушбу принциплар К.Попперниng танқидий рационализмида ўз ифодасини топган. Поппер интуитив, иррационал билимни танқид қилади ва Афлотуннинг давлат тўғрисидаги назариясини иррационал, деб атайди.

К.Поппер рационализмни инсонларнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари назаридан баҳолайди, иррационализмни эса тафаккурдан

маҳрум бўлган психологизмга боғлайди. У иррационализмда чекланган билимдан чекланмаган билимга ўтиш, тўлиқ бўлмаган билимдан, тўлиқ билимга ўтишни тақозо этади деб таъкидлайди.

Рационализмнинг ривожланиши фанда намоён бўлади. "Фан бу инсон ақлининг охирги мақсади" ёки "Фан инсон ақлининг олий истеъмолчисидир"[1].

Эпистемологиянинг рационаллиги икки сифат билан характерланади, булар исботлаш  ва тузилишдир. Бу икки сифат илмий дунёқараш учун бир-биридан фарқ қилади, шу билан бирга бу сифатлар асосида илмий тушунчалар ва мулохазалар мантиқий бир-бири билан боғлиқлиги ётади.

XIX аср охири – XX аср бошларида классик фан даврнинг талабига жавоб бермай қолди ва натижада ноклассик  фанга эҳтиёж туғилди. Сабаби классик даврда барча воқеа - ҳодисаларнинг (жумладан, ижтимоий ҳодисаларнинг ҳам) сабабини механика қонунлари асосида тушунтиришга ҳаракат қилинарди. XIX асрга келиб, Ньютон механика қонунлари табиатнинг универсал қонунлари ролини бажара олмаслиги яққол маълум бўлди. Бу ролга эндиликда электромагнит ҳодисалари қонунлари даъво қила бошлади.

Рационаллик ривожланишининг кейинги босқичи табиатдаги барча воқеа-ҳодисаларнинг ягона аҳамият касб этган детерминизм презумциясига айланишдан олдин сабабият тўғрисидаги тезиснинг мазмуни аста-секинлик билан торайди. Бу эса ўз навбатида келажакни муайян аниқлиқ билан олдиндан башорат қилиш ҳамда табиатни аниқ билиш имкоинятини яратади. Бундай тарздаги тушуниш фақатгина Ньютон физикаси учун етарли бўлиб ҳисобланган. Лекин атом физикасида эса сабабиятнинг тор маънодаги талқин этилган тушунчаси аввал бошданоқ  сабабиятга хос бўлган тасаввурни вужудга келтирди. “Мазмунан фан детерминистик хусусиятга эга. Детерминизмга эга бўлмаган фаннинг ўзи мавжуд эмас. Лекин биз яшаб

[1] Мартин Бубер. Два образа веры. - М.: Республика, 1995. - С.159.

турган оламда детерминизм ҳукмронлик қилмаганида бу олам олимлар эътиборини ўзига тортмас эди”.[1]

XX асрга келиб фан тараққиёти натижасида Буюк Британия, Канада, АҚШ, Франция ва бошқа кўпгина давлат файласуфлари "эпистемология"ни нафақат билиш назариясининг синоними сифатида, балки, қандайдир бир бўлим ёки йўналишни ҳам англатишини таъкидлашади. Мисол учун, фан эпистемологияси, табиий эпистемология, ижтимоий эпистемология, эволюцион эпистемология, компьютер эпистемологияси (илмий билишда Интернет технологиясининг кейинги йўналишлари – электрон почталар, архивиаторлар, Wеб - сайтлар)дир. Бу даврда кўпгина фалсафий йуналишлар ўзларининг хусусий эпистемологиясини намоён қилишга киришиб кетишди. Булар феноменология, мантиқий эмпиризм, танқидий реализм, аналитик фалсафа ва шу кабилар.

Ҳозирги пайтда фан фалсафаси билан шуғулланган барча олимлар фан ривожланиши кумулятив (тўпловчи) жараён эмас деган фикрга қўшиладилар[2]. Умуман фан тарихида, унинг алоҳида соҳалари тарихида ҳам шундай даврлар бўлганки улар давомида йиғилган билимларни: назариялар, тамойиллар, асос солувчи қоидаларни қайта кўриб чиқиш содир бўлган.

Илмий таҳминларни ҳақиқийлигини аниқлашда биринчи асосий белги бу - Д. Юм ва И. Кант каби олимларга маълум бўлган, таҳминларни тажриба билан солиштириш талаби, деб ҳисобланади. Агар ҳиссий тажрибада, эмпирияда уни тасдиқловчи қандай бўлмасин объектларни кўрсатиш мумкин бўлмаса, унда у аҳамиятсиздир, нотўғридир. XX аср Ғарбий Европа фалсафасида, хусусан Иена тўгараги позитивистлари ушбу талабни верификация тамойили деб номлашди: илмий тушунчалар, тахминлар, назарияларни тажриба орқали текшириб бўлса, унда улар аҳамият касб этади.

---

[1] Пуанкаре А. О науке. - М., 1983. -С.489.

[2] Философия и интеграция современного социально-гуманитарного знания (материалы «круглого стола») // Вопросы философии.- №7.- 2004, с.30-35.

Тажриба маълумотларига тенглаштириб бўлмайдиган ривожланган назария тушунчаларига билвосита верификацияни ишлатиш мумкин. Масалан, “кварк” (фараз қилинган заррача) тушунчасига тажриба орқали аналог (ўхшаш нарса) топиб бериш мумкин эмас. Лекин кварк назарияси тажриба, эксперимент йўли билан қайд этилиши мумкин бўлган қатор ҳодисаларни олдиндан этиб беради, демак ушбу назарияни билвосита верификация қилиш мумкин.

Рационал танқид тамойилини илгари сурган таниқли аллома Карл Поппер верификация тамойили орқали ҳар қандай моҳирона бичилган назарияга уни тасдиқловчи эмпирик далиллар топиш қийин эмас, деб ҳисоблайди. Лекин ҳақиқий илмий назариялар мураккаброқ текширишларга бардош бериши лозим. К. Попперниг фикрига кўра, Вена тўгараги аъзолари илгари сурган верификациялаштириш илмийликнинг асосий белгиси (критерии) бўлиб хизмат қилаолмайди. Илмий назарияларни чегаралаш (демаркациялаш) асосий белгиси, бу – фалсификациялаштириш – фанга тегишли бўлган ҳар қандай назарияни рад қила олиш, нотўғрилигини исботлаб бериш мумкинлиги.

Агар назария уни рад қилиб бўлмайдиган қилиб тузилган бўлса унда у қийматга эга эмас. Марксизм, психоанализ, астрология каби таълимотларни айнан рад қилиб бўлмаслиги уларнинг тушунчаларини ноаниқ бўлишига олиб келади ҳамда улар тарафдорлари барча фактларни қарашларига зид бўлмаган ёки қарашларини тасдиқловчи деб талқин қилишига олиб келади ва уларни ноилмий таълимотга айлантиради, деб ҳисоблайди К. Поппер.

Ҳақиқий фан рад этилишидан қўрқмаслиги лозим, дейди К. Поппер: рационал танқид ҳамда фактлар ёрдамида доимий тузатилиши илмий билишнинг моҳиятидир. Олим илмий билимнинг ҳаракатчан концепциясини тавсия этди: илмий билим, бу - тахминлар (гипотезалар) ва улар раддияларининг узлуксиз оқимидир. Фақат “энг кучли назариялар” қолиши лозим, лекин улар мутлақ ҳақиқат бўлаолмайди. Ҳар қандай инсоний билим

тахминий, нисбий тавсифга эга, унинг ҳар қандай қисмидан шубҳаланиш мумкин ва ҳар қандай мазмунлари танқидга очиқ бўлиши лозим.

Агарда К. Поппер учун танқидийликнинг қарама-қаршилиги бўлмиш ақидапарастлик (догматизм) фанни сохта фанга айлантирса, Т. Кун учун илмий фаолиятнинг зарурий шарти – муайян турдаги ақидапарастлик, яхши тасдиқланган ва самарали қарашлар тизимига қатъиян берилганликдир. Т. Куннинг нуқтаи назарига кўра, фаннинг узоқ муддатли тинч ривожланиши қисқа муддатли ғалаён ва фандаги инқилоблар даври билан алмашади, бунда парадигмалар, дунё сурати ўзгаради.

Т. Кун концепциясида “парадигма” (юнонча - намуна) тушунчаси “илмий жамоа”нинг барча аъзолари томонидан тан олинган ва қўлланма сифатида қабул қилинган асосий назарий қарашлар, тадқиқот бажаришнинг мумтоз намуналари, методологик воситалар мажмуасини ифодалайди.

И. Лакатос ўзининг асарларида Т. Кун таъкидлаганидек фан тарихида фақат битта дастур (парадигма) якка ўзи ҳукмронлик қилган даврлар жуда кам учрайди, дейди. Одатда ҳар қандай фан соҳасида бир нечта альтернатив илмий-тадқиқот дастурлар мавжуд бўлади. Улар ўртасидаги рақобат, ўзаро танқид, дастурларнинг равнақ топиш ва таназзулга учраши даврларининг алмашиниши фан ривожланишига Т. Куннинг ягона парадигмали “нормал ҳолатдаги фанига” етишмайдиган илмий изланишнинг реал драматик ҳолатини бағишлайди.

Илмий билиш ишончлилиги асосий мезони (критерии) амалиёт, деб таъкидлайдиган фалсафий концепция кенг тарқалган.

Маълумки, ҳар қандай илмий мазмун (положение), шу жумладан тахминийси ҳам, ўзининг назарий ёки эмпирик асоси орқали амалиёт билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун билимларнинг тўғрилиги даражасини уларнинг у ёки бу асосга тегишлилигидан билиш мумкин.

Илмий билишнинг икки босқичига – эмпирик ва назарий - мувофик ишончлилик ҳам эмпирик ва назарий деб фарқланади. Агар эмпирик

ишончлилик асосан ҳиссий тажриба маълумотларига кўра аниқланса, назарий ишончлилик – рационал элементлар ёрдамида. Охиргиси аниқликка айнан, лекин бу аниқлик мавҳум эмас, балки назарий асос таркибидаги фалсафий ҳақиқатлар билан шартланган, улар эса, маълумки, амалиётда текширилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, тажрибавийликни рационалликка, назарияни амалиётга ҳар қандай қарама-қарши қўйилиши нотўғри, чунки улар билувчи субъект хилма-хил фаолияти конкрет шаклларининг намоён бўлишини ифодалайди.

Шундай қилиб, йиғилган билимларни – айнан назариялар, тамойиллар, асосий мазмунларни - тубдан қайта кўриб чиқиш содир бўлган фан тарихининг муайян даврлари Америкали файласуф ва тарихчи Томас Кун кетидан илмий инқилоблар деб номланадиган бўлди. В.С. Стёпин тадқиқотларига асосланиб, табиатшунослик тарихида тўрт айнан шундай инқилоб ажратилди, ҳар бири илмий рационаллик турининг ўзгаришига олиб келган.

Биринчи инқилоб XYII асрда содир бўлди ва унинг натижасида мумтоз табиатшунослик вужудга келди. Мумтоз табиатшуносликка барча кейинги тадқиқотлар зил кеткизолмайдиган мутлақ ва пировард ҳақиқатларни излаб топишга интилиш хос эди. Бундай мутлақ объективликка тавсифлаш ва тушунтиришдан субъект ва унинг билиш фаолияти билан боғлиқ барча нарсани истисно қилиш орқали етишилди. Мумтоз (классик) механика илмий назариянинг идеали эди. Ҳар қандай ҳодиса механика тасаввурлари ва тамойиллари ёрдамида тушунтирилиши лозим эди. Билиш табиий объектларни кузатиш ва улар устидан тажриба ўтказиш тизими сифатида тасаввур қилинган, буларни соф, барча иллатлардан мустасно ақл амалга оширади ва у ўзининг назарияларида тадқиқ этилаётган объектнинг хусусиятлари ва тавсифларини адекват тарзда ифода этади, деб тасаввур қилинган. Тадқиқ этилаётган объектлар, бу – аввало ташқи кучлар таъсирида

(бошқа жисмлар билан ўзаро таъсир натижаси сифатида) фазода ҳаракат қилувчи жисмлардир. Шундай қилиб, барча илмий билимлар механикага редукция қилиниши мумкин эди.

Иккинчи илмий инқилоб XYII асрнинг охири – XIX асрнинг биринчи ярмида содир бўлди. У табиатшуносликни янги ҳолатга – соҳа жиҳатдан ташкил қилинган фанга - ўтишини белгилаб берди. Биология, кимё ва билимнинг бошқа соҳалари механикага редукция қилинмайдиган бўлди. Биология ва геологияда эволюцион талқин идеаллари вужудга келди, физика эса ўз билимларини ривожланиш ғоясидан мавҳумлашган ҳолда қуришни давом этдирмоқда эди. Бу даврда фанларни таснифлаш ва илмий усулларнинг умумийлиги муаммоси марказий фалсафий муаммолардан бири бўлиб қолди. Илгари аниқ ва равшан бўлган нарсалар энди муаммога айланди. Шу билан бирга табиатшуносликда содир бўлган биринчи ва иккинчи илмий инқилобларни мумтоз фаннинг ҳамда унга хос фикрлаш усулларининг шаклланиши ва ривожланиши сифатида ифодалаш мумкин.

Учинчи глобал илмий инқилоб янги, номумтоз табиатшуносликнинг вужудга келиши билан боғлиқ. У XIX асрнинг охиридан XX асрнинг ўрталаригача давом этган даврни ўз ичига олади. Бу даврда физикада релятивистик (нисбийлик) ва квант назариялари шаклланади, космологияда стационар бўлмаган Коинот концепцияси вужудга келади, биологияда генетика соҳаси етакчи ўрин эгаллайди, кибернетика ва тизимлар назарияси вужудга келади. Номумтоз фанга табиатшунослик ривожланиши жараёниннинг у ёки бу босқичларида ишлаб чиқилган назариялар ва табиат суратини нисбатан ҳақиқийлигини тушуниш хосдир.

Энди битта воқеликнинг (реалликнинг) бир нечта фарқланувчи назарий тавсифларининг ҳақиқий бўлишига йўл қўйилади. Мумтоз фандан фарқли ўлароқ, номумтоз фандаги тушунтириш ва тавсифлаш жараёнида билиш фаолиятида қўлланилган восита ва операцияларга очиқ ҳавола қилинади. Ушбу барча ўзгаришлар билан бирга фаннинг янги фалсафий асослари

шаклланиб борди. Илмий билимнинг тарихий ўзгарувчанлиги ғояси билиш субъектининг фаоллиги ҳақидаги янги тасаввурлар билан боғланди. Шу нарса равшан бўлмоқдаки, билиш фаолияти натижалари нафақат тадқиқ этилаётган объект табиати билан, балки тарихий ўзгарувчан ва кўп нарсалардан қатъий назар яна ижтимоий-маданий омилларга боғлиқ тадқиқот ишларининг (процедураларининг) ўзига хослиги билан ҳам аниқланади. Тадқиқотнинг асосий объекти бўлиб энди жисм (нарса) эмас, балки мустаҳкам ва ўзгарувчан тавсифларга эга жараён хизмат қилмоқда.

Юқорида қайд этилган фан хусусиятларининг ўзгариши билан бирга фаннинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва унинг вазифаларининг ўзгариши содир бўлди. Табиатшунослик асослари илк буржуа инқилобларига хос бўлган рационалистик дунёқараш контекстида шаклланди, соҳавий табиатшунослик асосларининг шаклланиши билан бирга фаннинг ишлаб чиқариш роли кучайиб борди. Бу даврда кўпчилик амалий ва техник фанлар шаклланди, махсус илмий жамоалар ташкил топди. Номумтоз фанга ўтиш мумтоз рационализм инқирози, билиш ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлиги ва билишга ижтимоий омиллар таъсир этиши, унинг маданий-тарихий омилларга боғлиқлиги ҳақидаги тасаввурининг вужудга келиши шароитларида кечди.

Илмий билишнинг ҳозирги даврдаги ўзгаришларини тўртинчи илмий инқилоб деб ҳисобласа бўлади, унинг давомида номумтоз фандан кейинги фан вужудга келади. Компьютерлаштириш илмий фаолият хусусиятларини ўзгартирди, фаннинг соҳавий тузилиши соҳалараро ва муаммони ҳал этишга йўналтирилган тадқиқотлар ҳисобига янги интегратив бирликка айланмоқда. Тадқиқотларнинг стратегик йўналишини аниқлашда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий мулоҳазаларга кўра иш тутиш катта аҳамият касб этмоқда. Замонавий тадқиқотлар объекти бўлиб жисм ва жараёнлар эмас, балки очиқлиги ва ўз-ўзидан ривожланиш хусусиятларига эга ноёб тизимлар хизмат қилмоқда.

Бундай тизимларга синергетик эффектлар мавжудлиги хосдир, улардаги жараёнлар, қоидага кўра, қайтмас жараёнлардир.

Мураккаб тарихий ривожланаётган тизимларни тадқиқ қилишга ўтиш илмий изланиш фаолияти қоида ва меъёрларига таъсир этди. Янги объектлар ҳолатларини ифода этиш ва олдиндан этиб бериш учун махсус усуллар қўллашга тўғри келаяпти – аввал ижтимоий фан усуллари деб ҳисобланган тизимнинг мумкин бўлган ривожланиш чизгилари сценарийлар тузиш ва тарихий реконструкцияларни амалга ошириш. Тажрибавий билиш имкониятлари тубдан ўзгармоқда чунки тизимларнинг ноёблиги ва уларда содир бўлаётган ўзгаришларнинг қайтмас жараён эканлиги экспериментни асосий хусусияти бўлмиш қайта тиклаш, қайтарилишдан маҳрум этади. Агарда тизимлар тур жиҳатидан бир-бирига яқин бўлганда ҳам, ҳар бири билан алоҳида ўтказилган тажриба катта фарқ қилувчи натижаларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун кўп ҳолларда табиий эксперимент компьютер моделлари ёрдамида ҳисоблаш эксперименти билан алмаштирилади. Замонавий фандаги ўзгаришлардан яна бири ҳар қандай шарт-шароитда қадрият жиҳатдан нейтрал (бетараф) тадқиқотлар ўтказиш мумкин деган кўрсатмадан воз кечишдир. Тадқиқ этилаётган тизимнинг тарқибий қисмларидан бири инсон бўлса, тадқиқот илмий билим тузилишига (ифода этиш, тушунтириш) аксиологик омил киритилишини тақозо этади.

Илмий рационаллик турлари. Фан тарихий ривожланишининг ҳар бир босқичи – мумтоз (классик), номумтоз (ноклассик) ва номумтоз фандан кейинги (постноклассик) ўзига хос илмий рационаллик тури билан ифодаланади. Шу билан бирга рационалликнинг янги турини вужудга келиши аввалгисини мустасно қилмади, фақат унинг таъсир доирасини чеклади, уни муайян турдаги муаммо ва масалаларни ҳал қилишда қўллашни белгилаб беради. Агар илмий фаолиятни схема равишда “субъект-воситалар-объект” тизими ичидаги муносабатлар сифатида тасаввур қилинса, унда

юқорида ифода этилга фан ривожланиши босқичлари илмий фаолиятга бўлган рефлексиянинг чуқурлиги билан фарқланади.

Илмий рационалликнинг мумтоз турига, юқорида баён этилганидек, назарий тушунтириш ва ифода этиш давомида субъект билан боғлик барча нарсани ва унинг тадқиқ этилаётган объектларга мумкин бўлган таъсирини истисно этишга ҳаракат қилиш ҳосдир. Бу олам тўғрисида ҳақиқий билим олишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Фаннинг мақсад ва қадриятлари маданиятда ҳукмрон бўлган дунёқараш кўрсатмалари билан аниқланган бўлса ҳам, мумтоз фан бу детерминацияларни англамайди.

Илмий рационалликнинг номумтоз турига билиш фаолияти натижалари билан уларга етишишга ёрдам берган воситалар ўртасидаги алоқани ҳисобга олиш хосдир. Бу алоқаларни ифода этиш реалликни объектив равишда ифода этиш ва тушунтиришнинг бир қисмига айланади. Лекин фан таркибидаги қадриятлар билан боғлиқ кўрсатмалар ва ижтимоий қадриятлар ўртасидаги алоқалар аввалгидай ҳисобга олинмайди.

Ва ниҳоят постномумтоз турдаги илмий рационаллик ушбу алоқаларни ҳисобга олади. Бунинг оқибатида билиш натижаларини билиш воситалари ўзига хослиги билан солиштирилганлигини очиб бериш билан бирга ижтимоий-маданий омиллар билан аниқланган илмий фаолият қадриятлари тизими ва кўрсатмалари устида рефлексия (фикр юритиш) қилиш зарурий талабга айланади.

Шуни таъкидлаш керакки, илмий рационалликнинг янги турларини вужудга келиши билан аввалгилари эскирган ҳисобланмайди. Аслида бу турларнинг шундай мураккаб иерархияси тузиладки, унда ҳар бири учун бошқаларига нисбатан афзалликларга эга бўла оладиган қонуний ҳаракат доираси топилади. Пировардида рационалликнинг ҳар бир янги тури ўрганилаётган объектларнинг тузилиши ва мураккаблиги даражаси ҳақидаги муайян онтологик тасаввурлар билан боғлиқ. Фан ўрганаётган объектлари хилма-хиллиги аниқ бўлганидек, уларни тадқиқ этиш усуллари ҳам ва улар

билан боғлиқ бўлган ҳаракат ва натижаларни баҳолаш белги(критерий)лари ҳам турлича бўлиши лозим. Чамаси келгусида бундай белгилар хали кўп марта ўзгарса керак ва шаклланаётган постномумтоз рационаллик илмий билишнинг якунловчи босқичи эмасдир.

# II БОБ. ЗАМОНАВИЙ ИЛМИЙ РАЦИОНАЛИЗМНИНГ ФАЛСАФИЙ-СИНЕРГЕТИК АСОСЛАРИ

## 2.1. Замонавий илмий рационализм демаркацияси

XX асрнинг 60–90 йилларида фалсафий ижтимоий онгда бир неча таълимотлар устунлик қиларди. Улар ичида марксизм ва диний фалсафа қаторида танқидий рационализм, фан фалсафасининг тарихий мактаби ва постмодернизм муҳим ўрин эгаллади. Бу таълимотлар ўрта ва олий таълимнинг ўқув режаларига киритилган эди. Улар оммавий ахборот воситалари шунингдек, моддий ҳамда маънавий маданият маҳсулотларига билвосита таъсир кўрсатган. Буларнинг барчаси танқидий рационализм, фан фалсафасининг тарихий мактаби ва постмодернизм XX асрнинг иккинчи ярмида тасодифан вужудга келмаганлигидан далолат беради. Аксарият ҳолларда улар иккинчи жаҳон урушидан сўнг одамларнинг ҳаёт тарзи ва тафаккурида содир бўлган муҳим ўзгаришларга бўлган янги, фалсафий жавоб сифатида намоён бўлди.

Бу таълимотларнинг ғоявий манбаи XX асрнинг биринчи ярмида устунлик қилган неопозитивизм таълимотлари эди. Танқидий рационализм ва фан фалсафасининг тарихий мактаби неопозитивизм билан бевосита боғлиқ эди. Танқидий рационализм, фан фалсафасининг тарихий мактаби ва постмодернизм 40–50-йилларда Ғарб фалсафий ижтимоий онгини неопозитивизм таркибидаги субъективистик элементлар ҳамда дунёқарашга доир методологик нуқсонлардан тозалашга бўлган оригинал фалсафий уринишлар сифатида намоён бўлди.

Танқидий рационализмнинг фалсафий дастури австриялик файласуф Карл Поппер (1902–1994) томонидан яратилди. Неопозитивистлар ҳақиқий илмий муаммолар тажриба орқали ёйинки мантиқий, тажрибавий-мантиқий йўл билан аниқланишини уқтирганлар. Неопозитивизмга биноан, фактлар ва кузатиш ёрдамисиз ҳал этилган муаммолар мантиқан нотўғри таърифланган бўлиб, сохта илмийлик, деб ҳисобланганлиги тушунарли ҳол. Уларни кўпинча маъноси англанмаган (маъносиз), метафизикага (фалсафага) тегишли деб аташган. Ҳақиқатан, анъанавий фалсафий муаммо, масалан, онгнинг моҳияти ҳақидаги муаммони неопозитистлар “қовурилган муз” ифодаси каби маънога эга эмасми, деб фараз қилишарди.

Попперниң методологик концепцияси 1959 йилда Лондонда чоп этилган «Илмий кашфиёт мантиғи» китобида ўз аксини топди. Ушбу китобда илмий билим ривожланиши билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилган. «Билимнинг ортиши муаммоси билиш назариясининг марказий муаммоси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Билим ортишини ўрганишнинг энг яхши усули – илмий билимнинг ортишини ўрганишдир» (Поппер).

Илмий билиш ва фан фалсафаси иккита фундаментал ғояга таянади: фан бизга ҳақиқатни беришга қодир ва беради, иккинчидан, фан бизни турли хил хатолик ва хурофотлардан халос қилади, қутқаради. Поппер биринчи ғоядан воз кечади, иккинчиси эса унинг методологиясининг объектив асоси бўлиб хизмат қилди.

Танқидий рационализмнинг асосий ғояси шаклланишига  фан ва сохта фанларни ажратишда (фарқлашда) неопозитивизмнинг тажриба ва индукцияга мурожаат қилиши етарли эмаслигини тушуниб етиш ҳам катта таъсир кўрсатди. Поппер ҳаққоний равишда тажрибавий синовдан Маркс, Фрейд, Альфред Адлер ва Эйнштейн таълимотлари тугул, умумий ҳақиқатга тўғри келмайдиган астрологик башоратлар ҳам ўтишини, мазкур назариялар катта тушунтириш  (талқин этиш) кучига эга эканлигини англади.

Барча факт ва тажрибалар мос келмаслиги боис ҳақиқий фан баъзиларини албатта ман этиши керак. Маркс, Фрейд ва Адлернинг назариялари барча фактларга мос келиб, ҳеч нарсани ман қилмаган ва аксинча, Эйнштейн назарияси барча фактларга мувофиқ бўлмаган ва Попперниг фикрига кўра, айнан у ҳақиқий илмий назария эди.

20–йилларда англанган билимлар илмийлигининг асосий мезони – унинг фальсификацияланиши ва рад этилиши ҳақидаги ғоя, Поппер томонидан “Илмий тадқиқот мантиғи” (1935) деб номланган асарида ўзига хос фальсификационизм методологияси доирасигача кенгайтирилди. Бироқ 40-чи ва 50–йилларда бу асар кенг тарқалмади. Асар иккинчи жаҳон урушидан сўнг, немис тилидан инглиз тилига таржима қилиниб, 1968 йилда XIV Жаҳон фалсафий конгрессида Т.С.Попперниг танқидий рационализмга бағишланган маърузасидан сўнг, оммавий тарзда тарқала бошлади. Танқидий рационализмнинг реал тарихи 20–йилларда бошланган деб ҳисобланса, унинг формал тарихи ва кенг ёйилиши 70–йилларга тўғри келади.

Поппер индукция ва верификацияни демаркация мезони сифатида рад этди. Ушбу мезонлар тарафдорларининг фикрича, фан ўзига хослик, асослилик ва аниқликда ифодаланади, сохта фанларни (фалсафа ёки астрологияни) – асоссизлик ва ноаниқлик ажратиб туради. Попперниг фикрига кўра, исталган нарсани тасдиқлаш мумкин, бироқ бу илмийликнинг далили эмас. Система тажриба асосида рад этилса, демак у воқеликнинг реал ҳолати билан тўқнашади ва дунё тўғрисида қандайдир ахборот беради. Шу мулоҳазаларга асосланиб, Поппер демаркация мезони сифатида «фальсификация» тушунчасини фан фалсафасига киритади. Илмийлик тажрибада рад этилганликни тан олади. Мулоҳазалар тизими илмий ёҳуд сохтами деган саволга жавоб бериш учун уни рад этиб кўриш керак, агарда у рад этилса, демак илмий бўлади.

Поппер метафизика ва фан орасида демаркацион чегара ўтказмайди ва метафизиканинг нафақат маънолилигини, балки уни фан учун катта

аҳамиятга эгалигини таъкидлайди. Деярли барча фундаментал илмий назариялар метафизиканинг ғоя, мулоҳазаларига асосланган. Коперник геолиоцентрик системани яратганида неоплатоникларнинг Қуёшга топинишига асосланган, замонавий атомизм эса қадимги грекларнинг тасаввурига асосланади. Метафизик ғоялар фан ривожини барча даврларда рағбатлантирган, янги назария ва илмий таклифларнинг асосини ташкил қилган. Поппернинг фикрича, метафизик, яъни фалсафий ғоялар космология учун катта аҳамиятга эга. Фалесдан Эйнштейнгача, қадимги атомизмдан тортиб материя тўғрисидаги Декарт мулоҳазаларигача, Гильберт, Ньютон, Лейбниц ва Башкевичнинг спекулятив куч тўғрисидаги мушоҳадаларидан то Фарадей ва Эйнштейннинг майдон ва куч тўғрисидаги таълимотларигача – ҳаммаси метафизик мулоҳазаларга асосланган.

Поппернинг фикрига кўра, ҳақиқий фанни сохта фандан ажратувчи мезон унинг текширувдан ўтиши эмас, балки рад қилинишидир (нотўғрилигини исбот қилиш). Яъни, биринчидан, ҳақиқий фаннинг фальсификация қилиниши, иккинчидан ҳақиқий фаннинг ҳақиқатлиги эмас, балки ҳақиқатнамо эканлиги. Ҳақиқий фан барча тажриба ва далилларга мос келиши эмас, баъзиларини рад этиши лозим.

Танқидий рационализмнинг методологик негизи бўлмиш фальсификационизм ғояси тамоман оригинал эмас эди. Биринчидан, унда Ксенофан, Демокрит ва Сукротнинг инсонлар худоларга нисбатан хато қилиш хусусиятига эга эканлиги ва билим ҳар вақт инсоний билим эканлиги ҳақидаги ғоялари ифода этилган. Поппернинг фальсификационизми бу эски фалсафий ғояни (баъзида уни фаллибилизм деб номлашади) ўзлаштириб, уни мантиқий якунига, билим субъектининг ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлиши талабигача ривожлантиради. Иккинчидан, янги давр файласуфлари (асосан эмпириклар) индуктив усул асосида қурилган назарияни рад этиш учун ягона бир фактнинг ўзи кифоя қилади, деб ҳисоблашган. Масалан, ҳозирги замон сиёсатчилари сиёсат – пок фаолият эканлиги ҳақида

гапирганлари билан, улардан биттасининг коррупция билан шуғулланаётганининг фош этилиши юқоридаги гапларнинг рад этилиши учун кифоялади. Попперning хизмати мазкур ғояларни эслатишдан эмас, балки уларни янгича асослантириш, хусусан, илмий билишда исбот ва раддиянинг ассиметрик характерга эга эканлигини исботлашдан иборат эди. Фальсификация талабининг моҳиятидан Поппер таълимотининг танқидий хусусияти келиб чиқади.

Мантиқий позитивистлар асосан илмий билим структурасини ўрганадилар, унинг ривожланишини ўрганиш эса умуман фан фалсафаси муаммоларини бойитади.

Попперning хулосаси «индукция, яъни турли хил кузатувларга асосланган хулосадир. У руҳий омил ҳам эмас, кундалик омил ҳам эмас, илмий фаолиятнинг омили ҳам эмас». Фанда далил ва кузатувларни тасдиқлаш, индукциянинг базиси сифатида эмас, балки назарияларни текшириш ва инкор этиш учун – фальсификациянинг асоси сифатидир.

Далил ва кузатувлар гипотезани шакллантириш учун имкон яратади, лекин гипотеза уларни умумлаштирмайди. Кейин далиллар асосида гипотезани фальсификациялаштиришга уринадилар. Фальсификация қилувчи хулоса дедуктивдир.

Поппер концепциясини тушуниш учун унинг позитивизм методологиясидан фарқли томонларини кўриб чиқамиз.

Мантиқий позитивизм ҳиссий билишни мутлақлаштиради. Поппер эса билим турли усуллар билан эришиш мумкинлигини эътироф этади: биринчи навбатда, назарияни, шу билан метафизика тизимлар, афсоналарни, умуман олганда у ёки бу натижани ҳар қандай гипотеза ва таклифларни текширишда олинган. Кузатув, унинг фикрига кўра, ташқи таъсирларни оддийгина рўйхатга олиш эмас, балки гипотеза ва назарияларни фаол текширишдир, шунинг учун у назарий фаразлар билан тўлдирилган.

Мантиқий позитивистлар демаркация мезони сифатида верификацияни, Поппер эса фальсификацияни қабул қилган. Фан ва метафизика орасидаги фарқ аниқ ифодаланмаган. Поппер фан ривожига метафизиканинг катта таъсир кўрсатганини тан олади. Мантиқий позитивистлардан фарқли равишда Поппер аллақандай метафизик фикрлардан йироқ бўлиб, «уч дунё» метафизик концепциясини яратди.

Мантиқий позитивистлар фаннинг асосий усули сифатида индукцияни, яъни далиллардан (яккаликдан) умумлаштиришга кўтарилишни қабул қилар эдилар. Поппер эса индукция усулини рад этди. Унинг усули – синаш ва адашиш; у фақат дедуктив мулоҳазаларга асосланган.

Мантиқий позитивистлар кумулятивизмни тахмин қилдилар, яъни уларнинг фикрича, билиш жараёнида ҳар қандай кейинги қадам олдинги натижаларнинг умумлаштирилган хулосасидир. Попперанинг билимни ривожлантириш модели кумулятив эмас, у ҳеч қандай билим тўплашни тан олмайди.

Мантиқий позитивистларнинг асосий методологик вазифаси фан тилини таҳлил қилиш илмийликнинг априор стандартларини аниқлашдир. Поппер эса ўз методологик концепциясининг вазифасини билим ривожини таҳлил қилишда кўрган. Фан тилининг мантиқий таҳлили унинг концепцияси унча кўп бўлмаган аҳамиятга эга. Попперанинг методологияси мантиқдан «бошқа томонга» бурилди, бироқ ҳанузгача фаннинг тарихига таянмасди.

Фан фалсафасининг ривожланиши мантиқий позитивизм ҳалокатга учраганидан кейин Поппер ғояларини ривожлантириш ёки танқид қилиш билан боғлиқ. 1950–йилларнинг охирига келиб фан ривожланишининг фалсафий таҳлили историография томонидан яна бир кучли импульс олди. Фан тарихчилари, илмий билимнинг позитивистлар назариясига асосланган халқ узлуксиз кумулятив шаклда намоён бўлишини тан оладилар, лекин фаннинг ҳақиқатан, чинакам ривожланиши силлиқ ва тўғри чизиқли бўлиши мумкин эмаслигини англаб, тушуниб етдилар. Фан фалсафа, техника ва

маданият билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланишини ва бу жараёнда катаклизма ва тубдан ўзгаришлар мавжудлигига иқрор бўлдилар. 1930 йилларнинг охирида позитивизмнинг кумулятивизми ва эмпиризмига биринчи бўлиб қарши чиққанлардан бири А.Койре эди. Унинг илмий изланишлари XVII аср илмий инқилобларининг таҳлилига бағишланганди.

Ушбу ғояларни қадр-қимматига яраша баҳолаш фан тарихи ва фалсафасининг тадқиқотчиси америкалик Т.Кун илмий тадқиқотларининг натижалари чоп этилганидан кейин бошланди.

Рационализмга келганда эса, унинг тамойиллари Декарт ва Лейбниц давридан бери маълум эди. Поппер рационализми, ақл кучига чексиз ишончни намоён этувчи, эски рационализмдан ўзининг танқидийлиги билан ажралиб турарди. Фақат рационал далиллар танқидий синовидан ўтган нарсаларга ҳамда бу далилларни рад этиб бўлмайдиган давргача ишониш мумкин, деб уқтирарди Поппер. Бу дунёқарашнинг номланиши – “танқидий рационализм”, “танқидий инсонпарварлик” ҳам айнан шундан келиб чиққан. Бу дунёқараш нуқтаи назаридан илмий билимнинг асоси – объектив ҳақиқат эмас, балки муайян муаммонинг рационал-танқидий ҳал этилишидир.

Илмий билим динамикаси муаммоларини ўрганишда танқидий рационализм методологиясини қўллаш натижасида Поппер биологизаторлик кўринишига эга фан юксалиши концепциясини ишлаб чиқди. Энг яхши назария, бу – рад этилган ва бинобарин янги назария учун озиқлантирувчи муҳит бўлган назариядир, деб ҳисоблаган Поппер илмий назарияларнинг ҳақиқатнамо эканлиги даражаси билан қизиқади. “Танқидий усул, синаш ва адашиш усули; адашганликни аниқлаш мақсадида қатъий танқидга дуч келувчи, дадил гипотезаларини илгари суриш усули”, илмий усулдир.

Конвенционализмда айбланишдан қочишга ҳаракат қилган Поппер икки концепцияни ишлаб чиқади: уч дунё онтологияси ва субъектсиз билувчи гносеология. Биринчисининг мазмуни дунёнинг уч даражага (дунёга) бўлинишидан иборат. Яъни: нарсалар дунёси, жисмоний табиат (1-дунё),

инсоннинг индивидуал психикаси дунёси (2-дунё) ва ғоялар, илмий билим, санъат, ахлоқ каби китоблар дунёси (3-дунё). Фанни учинчи, Платонга биноан, ғоялар дунёсига киритиб, Поппер танқидий рационализмнинг конвенционализмда айбланишини қисман бартараф этади. Уч дунёнинг нисбатан мустақиллигига асосланган янги онтология, образли қилиб айтганда, триализм онтологияси, қонуний равишда билувчи субъектсиз билиш ҳақидаги таълимот яратилишига айланади. Учинчи дунё назариялар, муаммолар, далиллар, журнал ва китоблар мазмунидан иборат, бу дунё 1 ва 2 дунёларнинг ўзаро таъсиридан келиб чиқади. Нарсалар дунёси, жисмоний дунёнинг эволюцияси натижасида пайдо бўлган, инсон психикаси дунёсидан анча олдин мавжуд бўлган, деб тўғри ҳисоблаган Поппер. Учинчи дунё эса 1 ва 2 дунёлар ўзаро таъсирининг, инсон фаолиятининг қўшимча маҳсулоти бўлиб, инсоннинг биологик жиҳатдан тирик қолишини таъминлайди.

«Учинчи дунё» тушунчаси гносеология масалаларини тушунишга таъсир этади. Неопозитивистлар гносеологияси билимнинг субъектив маъносини ўрганган – яъни «биламан» ёки «фикрлайман» деганини кундалик тушунча сифатида ифодалаган. Учинчи дунёнинг мавжуд бўлиш усули – тилдир. Тил шаклидаги бу дунё одамлар психикасидан мустақил равишда, объектив мавжуддир.

Бу объектив дунё билишнинг ўзига хос тури, яъни субъектив-психологик эмас, балки объектив билиш, бошқача айтганда, билувчи субъектсиз билиш билан боғлиқлиги тушунарли ҳол. Одатда, субъектив (инсоний) жиҳатлари қанчалик кам бўлса, билим кўпроқ даражада илмий ҳисобланади. Субъективликнинг, авваламбор, билим психологизмининг инкор этилиши, Попперни, бир қарашда ғайриоддий, кишини таажжублантирувчи, билувчи субъектсиз гносеология ғоясига олиб келади. Субъектсиз билиш мумкин эмас, бироқ унинг ҳақиқий субъекти нима?

Ҳозирги даврда Поппер фалсафаси таркибига нафақат фальсификационизм, уч дунё, субъектсиз гносеология ғоялари, балки очиқ

жамият концепцияси ҳам киради. Очиқ жамиятнинг хомаки лойиҳаси “Очиқ жамият ва унинг душманлари” (1944) асарида берилган бўлиб, “Тарихийликнинг қашшоқлиги” (1957) асарида кенгайтирилди ва аниқлаштирилди. Поппер ижтимоий ташкилотларни икки турга: очиқ – либерал ва демократик ҳамда ёпиқ ташкилотларга бўлади. Ёпиқ жамиятга мисол тариқасида ибтидоий трайбализмни – қабилавий сепаратизм (ажралиб чиқишга интилиш), ҳам қадимги давр тиранияларини, ҳам фашистлар ва шўролар диктатураларни келтиради. Очиқ жамият ривожланишининг асосий усули технология ва жамиятни бошқаришдаги силжишлар орқали амалга ошириладиган ижтимоий инженерия ҳисобланади.

Жамият ривожланишининг истиқболлари тўғридан-тўғри илмий кашфиётларга боғлиқ. Қилинажак илмий кашфиётларнинг аниқ вақтини олдиндан айтиб бўлмаганидек, тарихий жараён йўналишини ҳам олдиндан кўриб бўлмайди. Очиқ жамият концепцияси тоталитаризмга қарши йўналган, шу билан бирга индетерминизмга асосланади ва марксизмга қарши. Гераклит, Платон, Марксни Поппер ёпиқ жамият ғоясининг тарафдорлари деб ҳисоблаган. Маркс ижтимоий ривожланиш назариясининг тажрибада текшириб бўладиган қисми, Попперниг фикрича, ёлғондир. Масалан, Маркснинг келажакдаги ижтимоий инқилоблар ҳақидаги башоратлари, капиталнинг жамланиши ва ишчилар синфининг қашшоқланишига доир қонунлари ҳам шуларга киради.

Маркс назариясининг кейинги ривожланиши, башоратларининг нега амалга ошмаётганлигини тушунтиришга уринишлар, ривожланишининг илк босқичларида бўлганидек, марксизмни сохта фан ва содда ривоятга айлантирар эди. Попперниң фикрига кўра, марксизмнинг уч нуқсонига қуйидагилар киради: эссенциализм – нарсалар моҳиятини тушуниб етишга бўлган даъвоси; холизм – нарсанинг ҳар бир қисмида бутунлигида унга хос бўлган хусусиятларнинг акс этиши; ва профетизм – келажакни олдиндан билиш мумкинлигини исботлаш. Профетизмни башорат қилишга иштиёқ

сифатида Поппер тарихийлик ҳам деб атади. Поппер ғояларининг марксизмга қарши йўналганлиги либерал ва консерватив қадриятлар тарафдорларини ўзига жалб этди.

Попперning танқидий рационализми қанчалик консерватизмга қарши йўналган бўлса, шунчалик тоталитаризмга (ва шу сифатда коммунизмга) қарши йўналган "социал-демократик" фалсафадир. Чунки у, авваламбор, ўзгариш усули фалсафаси эди, бу ўзгариш, зўравонлик йўли билан амалга ошириладиган инқилобдан фарқли ўлароқ, инсонийлик ва ақл миқёсининг ўзгариши бўлиши керак. Шуни назарда тутмоқ лозимки, Попперning тарих ҳақидаги концепциясининг "очиқ жамият" ва "ёпиқ жамият" каби асосий тушунчалари А.Бергсоннинг "Ахлоқ ва диннинг икки манбаи" асаридан олинган эди. Бергсоннинг фикрига кўра, ёпиқ жамият – "табиат кучоғидан" энди-энди ажралиб чиққан жамиятдир. Поппер учун ҳам бундай жамият сеҳрли табулар (тақиқлар) мавжудлигига ишонишга асосланади. Очиқ жамият, "табуларга танқидий муносабатда бўлиш ва ўз қарорларини ўзаро муҳокама ҳамда ўз ақллари имконларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилишни" ўрганган, инсонлардан таркиб топган. Бу жамият нафақат рационал-танқидий, балки ички жозибага эгадир.

XX асрнинг охири рационализм учун қадар яхши бўлмаган даврлардан бири бўлди. Попперning танқидий рационализми ҳам жамиятнинг бир қисми учун ўзининг жозибадорлигини йўқотди. Очиқ жамиятнинг асосий – қонун устуворлиги ғояси – ҳар қандай эркин инсоний жамият учун катта аҳамият касб этди ва этади ҳам. Попперning фикрига кўра, Ғарбда очиқ жамиятлар реал мавжуддир. Бошқа томондан, улар "барча қачонлардир мавжуд бўлганлардан энг яхши, эркин ва адолатли, ўзини ўзи танқид остига олувчи ва ислоҳотларни ўзлаштирувчисидир". Бу сўзлар яна бир бор «ҳозирги вақт ва келажак шундай чалкашиб кетиши мумкинки, унда танқид остидаги танқид қилувчига айланади ва унинг тескариси бўлиши мумкин» деган қоиданинг тўғрилигини исботлайди. Демак, неопозитивизмни рационал ва

танқидий бартараф этиш жараёнида фойдаланиладиган методологиянинг кучли ва бўш томонлари устида яна бир бор атрофлича ўйлаб кўриш зарур.

## 2.2. Ночизиқли рационалликнинг гносеологик мавқеи

Ҳозирги замон илмий билишда тафаккур шакллари ҳисобланган тушунчаларнинг доим ривожланиш ҳаракатида бўлишини инкор этиб булмайди. Мазкур жараён илмий билишда тафаккур тарзтнинг тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай тафаккур тарзларидан бири ночизиқли тафаккур тарзи ҳисобланади. Мазкур тафаккур тарзининг келиб чиқиши тафаккур тараққиёти билан боғлиқдир. Тафаккур тараққиёти нима билан боғлиқ эканлиги ҳақида фикр юритадиган бўлсак, қуйидагиларни эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Тафаккурнинг тараққиёти бу ўз навбатида объектив воқелик тараққиётининг аксидир. Бизга маълумки, тафаккурни субъектдан ва объектив манбадан (табиат ва ижтимоий борлиқдан) ажратиб олиб қараш мумкин эмас. Бундан тафаккурнинг субъективлиги ва объективлиги намоён бўлади.

Субъектив тафаккур деганимизда, биринчидан, тафаккурнинг натижаси предметнинг ҳамма хоссалари ва хусусиятларини шундайлигича аниқ ўзини қурмайди, балки предметнинг идеал образинигина ташкил этади. Тафаккурда биз доим предметнинг ўзи билан эмас, балки унинг идеал образи билан иш курамиз. Иккинчидан, субъектив тафаккур деганимизда тафаккур шу маънода субъектив ҳисобланади, объектнинг тафаккурда адекватлиги ҳар хил даражада акс эттирилади. Тафаккур объектни акс эттиришда бир томонликни инкор этмайди. Демак, тафаккур объектив воқеликнинг субъектив образидан бошқа нарса эмас. У субъективлик чегарасидан чиқолмайди, сабаби у доим субъектга, инсонга тегишли бўлиб, объектив предметнинг ҳамма хоссалари билан биргаликда ўзини ташкил қилмайди, балки унинг образинигина

ташкил этади. Шу билан бирга тафаккур объектив, сабаби унинг тараққиёти предметни тўлиқ ва аниқ акс эттиришда фақат идеал образни қуриш йўлида боради. У ўзининг мазмуни буйича объектив предметга адекватли булишига ҳаракат қилади.

Предметнинг билишлик образининг ҳаракати қонуни, ушбу предметнинг ўзининг ҳаракат қонуни билан умумийликга эга. Предметнинг ўзининг ҳаракати унинг моддий табиатининг ўзгариши билан боғлиқликда олиб қаралади. Яъни, материя ўзининг бирон ҳаракат шаклидан бошқасига ўтади ёки бирон предмет бошқасига иккинчи бирон предметга бошқа моддий хоссалар билан ўтади. Демак, тафаккурнинг тараққиёти ҳам бирон билишлик образдан бошқасига алмашиш билан амалга оширилади, яъни билмасликдан билишга, предметни бир томонлама билишдан теранроқ ва ҳар томонлама билишга ўтиш билан тушунтирилади. Демак, объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракат қонунларини билиш, тафаккурнинг ҳаракат қонунларини тушунишнинг негизи ҳисобланиб, тафаккурнинг ҳаракат қонунлари шу нарса ва ҳодисалаларнинг ҳаракат қонунларининг аксини беради. Демак, ночизиқли тафаккур тарзининг шаклланиши бевосита объектив воқеликнинг нарса ва ҳодисларига мураккаблик, ночизиқлик ривожланиш ҳаракати ҳам хос эканлигидан далолат беради.

Бошқа томондан, тафаккурнинг фаол ижодкорлик ҳаракати билан боғлиқ. Гносеология тафаккурни янги хулосаларни олишга йўналтирилган инсоннинг руҳий фаолияти жараёнларини ўрганади. Тафаккурнинг ҳаракати билишлик образининг тараққиётини, унинг билмасликдан билишга томон ҳаракатини билдиради. Шу билан бирга, тафаккур ўзининг ички мантиқига асосланиб ўзининг ҳаракати олдиндан мавжуд тушунчалар, назариялар чегарасида қолади, ёки уларнинг чегарасидан чиқиб янги тушунчалар ва назарияларни қуради. Фақат ушбу ҳолатдагина, яъни янги натижаларни эга бўлиш билан тафаккурнинг ҳақиқий тараққиёти келиб чиқади ва бу унинг

билиш асосини билдиради. Мазкур жараён ночизиқли тафаккур тарзининг шаклланишида ҳам ўз аксини топади.

Тушунчалар объектив воқеликнинг идеал образлари сифатида, субъектив булса ҳам, у объектив мазмунга эга. Сабаби, у объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни акс эттиради. Тушунчаларнинг ривожланиши жараён ҳисобланиб, у фақат онгнинг ҳодисасигина эмас, балки объектив воқеликнинг ривожланиши ҳамдир. Демак, ҳозирги замон илмий билишнинг тадқиқот объекти мураккаблик касб этиб, объектив воқеликни адекватли акс эттиришда, билишда уларни тўлиқроқ акс эттирадиган тушунчаларни илмий билишга киритишни тақозо этади. Фикримизча, ночизиқлилик тушунчасининг объектив воқеликнинг мураккаб томонларини адекватли акс эттиришда гносеологик мавқеи катта. Мазкур тушунчанинг генезиси, бизнинг фикримизча, математика ва мантиқ фанларининг тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Бунга қуйидагиларни этироф этиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, классик мантиқда шу пайтгача мазкур тамойил тадбиқ эътироф этилар эди: «ҳар қандай мулоҳаза ёки чин, ёки хато бўлади». Аммо мазкур тамойилга амалиётда гумон билан қаралиб келинди. Бу гумон реал асосга эга булди. Айниқса мазкур тамойил келгуси ҳодисалар хақида мулоҳазаларнинг чинлик қийматини баҳолашда қийинчиликларни келтириб чиқарди. Классик мантиқда, яъни икки қийматли мантиқда мулоҳазаларнинг чинлик қиймати «чин» ёки «ёлғон» қийматлари қабул қилинадиган булса, ноклассик мантиқда аргументларнинг ва функцияларнинг чинлик қийматининг миқдори иккидан кўп ёки чексиз бўлиши мумкин. В.С. Меськов классик мантиқнинг қуйидаги асосий тамойилларини ажратиб кўрсатади: тадқиқот соҳасини одатдаги хукмлар, яъни классик фанларнинг ҳукмлари ташкил қилади; ҳар қандай муаммонинг ечими ҳақида тасдиқ берилади;

мулоҳазаларнинг мазмундан узоқлашиши; мулоҳазанинг икки қийматлилигининг абстракцияси[1].

Ноклассик мантиқда мазкур тамойиллар иштирок этмайди. Ноклассик мантиқнинг бири кўп маъноли мантиқий тизимнинг тарихий бошланмаси Я.Лукасевич томонидан қурилган тизим ҳисобланади. У модал мулоҳазаларни таҳлил этиб, мазкур мулоҳазаларнинг ўзаро муносабатларини ва хоссаларини баён қилиш учун икки маъноли мантиқнинг етарли эмас эканлигини кўрсатиб ўтади. Я.Лукасевич классик мантиқдаги «чин» ва «ёлғон» қийматларидан бошқа яна учинчи қийматни, яъни «мумкин», «нейтраль» қийматини ҳам киритиш лозим эканлигини айтади. Яъни, эҳтимолий тафаккур этиш объектив воқеликдаги кўплаб нарса ва ҳодисаларни адекватли акс эттиришда аҳамиятли эканлиги ҳақида фикр билдирилади. Натижада Лукасевич уч маъноли мантиқий тизимни қуради. Кейинчалик Пост кўп маъноли мантиқий тизимни ишлаб чиқади. Мазкур мантиқий тизимнинг моҳияти оламнинг мураккаб, ночизиқли (кўп вариантлилик) эканлигидан далолат беради. Бу ўз навбатида эҳтимолий тафаккур тарзининг зарурлигини кўрсатиб берди.

Ҳозирги замон илмий билиши, классик илмий билишдан фарқли ўлароқ, очиқ, ночизиқли, мураккаб, ташкилланувчи жараёнларни ўрганади. Ҳозирги замон илмий билиши ва амалиёти шуни кўрсатадики, воқеликдаги ҳодиса ва жараёнлар фақат «қайтарилувчан, детерминациялашган, барқарор ва классик механика доирасида тан олингани материя – фаол бўлмаган бошланғич асос эмас, балки беқарор ва флуктуациявий»[2], «тасодифий ва қайтарилмас»[3] ҳисобланиб, «материяда спонтан фаоллик хусусияти ҳам мавжуд»[4] экан.

---

[1] Меськов В.С. Очерки по логике квантовой механики. – М., 1986. – 9 с.
[2] Николис Г., Пригожин И. Познание сложного: Введение. -М.: Мир, 1990.-7 с.
[3] Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. Новый диалог человека с природой.-М.:Прогресс.-1986. -50 с.
[4] Ўша жойда:[150]:-34 с.

Ҳозирги замон илмий билиши, анъанавий илмий қарашлардан фарқли ўлароқ, дунёнинг ночизиқли, мураккаб эканлигини кўрсатади. Яъни, ҳозирги замон фани классик рационализмда эътиборга олинмаган, тадқиқот объектининг очиқлик, мувозанатсизлик, беқарорлик, ночизиқлилик ҳолатларига эътибор беради. Бу ўз навбатида тадқиқот методологиясининг ўзгаришига олиб келади ва чизиқсиз ёндашувга зарурат туғдиради. Унинг ўрганиш объектига илмий ва ижтимоий ҳаётда учрайдиган кескин, фаолиятли жараёнлар: чизиқсиз қонуниятлар, беқарор дунё, хаосдан тартибнинг намоён бўлиши, жараёнларнинг ноаниқлиги ва қайтарилмаслиги, башорат қилиб бўлмайдиган дунё, микродаражавий кичик таъсирларнинг макродаражавий катта натижалар бериши сингари ва шунга ўхшаш жараёнлар киради, яъни ҳозирги замон фани тизим табиатига мос бўлган шароитларни ўрганади. Бундай мураккаб жараёнларни ўрганиш ҳозирги замон илмий билиши, фан методологиясида янгича тафаккур тарзи, янги усуллар, ёндашувларга бўлган заруриятни келтириб чиқаради. Бундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги замон илмий билиш учун алоҳида аҳамият касб этувчи чизиқсиз ёндашувга тўхталиб ўтамиз.

Маълумки билиш категориялари тарихий-илмий ривожланиш натижасидир, яъни якка илмий тушунчалар умумилмий тушунчаларга айланиш йўли билан келиб чиқади. Бизнинг фикримизча, чизиқлилик ва ночизиқлилик тушунчалари фақат математика ва физика фанларининг тушунчалари бўлиб қолмасдан, балки умумилмий тушунчалар мавқеига эга.

Мураккаб жараёнларни ўрганишда, шуни алоҳида эътиборга олиш керакки, «стохастик ва ноаниқлилик Универсумга бошидан таълуқли бўлиб, Универсумнинг кўплаб қонунларини соф детерминистик схемага солиб бўлмайди»[1]. Шунингдек классик илмий билишда ҳамма динамик тизимлар фақат битта қонунга бўйсиндирилиб ўрганилди ва хаос, беқарорлик

[1] Моисеев Н.Н. Логика динамических систем и развития природы и общества.// Вопросы философии.-М.1999.-№4.-С.4

тушунчалари четлаштирилди. Демак, очиқ чизиқсиз мураккаб дунёни илмий билишда америкалик методолог П.К. Фейерабенднинг қуйидаги фикрига эътибор қаратиш керак деб ҳисоблаймиз. Фан, унинг фикрича, «ички илмий усуллар ва хулосалар ҳисобига бойиб боради, ... ягона тўғри усулнинг бўлиши мумкин эмас, ..., демак олим плюралистик методологияни ижодий ва танқидий қўллаши керак»[1]. Назаримизда бу, ёпиқ жамият классик рационализмда билим ортиши интеллектуал менсимасликка олиб келиши мумкин бўлса, аксинча очиқ жамиятда эса, назарий билимлар ва амалий донолик бир-бирига муҳтож эканлигидан далолат беради.

Синергетика ночизиқлилик парадигмаси сифатида – дунёга янгича қараш ҳисобланади. Фанлардаги янгиликларни умумлаштириш, ўзини-ўзи ташкиллаштириш, ночизиқли тафаккур асосида эволюцион жараённи ташкил қилувчи фанлараро илмий тадқиқот усули сифатида синергетика ўтган асрнинг 70-йилларида пайдо бўлди. Синергетиканинг мақсади ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг умумий қонунлари ва тамойилларини ўрганиш. Бу янги таълимот ўз-ўзини ташкиллаштирувчи жараёнларнинг физик, химик, биологик, техника, иқтисод, ижтимоий ва бошқа соҳаларда намоён бўлиш тамойилларини глобал эволюцион йўналиш сифатида ўрганади. Синергетика таълимотига кўра, макон ва замон структураси макроскопик тартибга келиш жараёнида мураккаб ночизиқли очиқ тизимга эга, деб тушунилади. Бу тизим мувозанатлик ҳолатидан узоқлашиб, ўзига хос бифуркация[2] нуқтасига яқинлашади ва натижада тизим учун унча аҳамиятли бўлмаган таъсир ёки флуктуация оқибатида ўз ҳолатини кескин ўзгартириши мумкин. Бу ҳолат кўпинча хаосдан тартибга ўтиш асосида кечади.

Шунинг билан бир қаторда синергетика хаос концепциясини қайта кўриб чиқди, унинг динамикасини ўрганди. У маълум шароитда янги

---

[1] Фейерабенд П.К. Избранные труды по методологи науки.-М.:Наука.-1986.56 с.
[2] Бифуркация лотинча bifurcus-иккиланган, бўлинган деган маънони билдиради.

барқарор тартибга асосланган тизимнинг вужудга келишида конструктив рол ўйнашини кўрсатиб берди.

Синергетика дунёнинг классик фанга асосланган манзарасинигина эмас, балки квантли-релятивистик манзарасини ҳам, янгича ночизиқли тафаккур асосида оламнинг янги илмий манзарасини тушунтириб берди. Синергетика жуда кўп эски тушунчаларга барҳам берди. Масалан, шу кунларгача хаос (тартибсизлик) салбий тушунча сифатида ҳал этилиб келинган эди.

Синергетика хаос – дунёни бузувчиси бўлиб қолмай, қандайдир шароитларда, маълум сабабларга кўра тузувчилик вазифасини бажариши мумкинлигини ҳам кўрсатди ва унинг тузувчилик механизимини асослаб берди. Тизим эволюцияси ўзини-ўзи ташкиллаштириш асосида ўзини-ўзи янгилаши мумкинлигини кўрсатиб берди.

Турли даражадаги ташкил қилувчилар хаос орқали ўзаро алоқада бўладилар. Нотинчлик, беқарор ҳолатида тизим кам кучга эга бўлган таъсир-фруктуация макротизимини ўзгартириб юбориши мумкин.

Классик фан парадигмасида тасодифни тизимдан қувишгача олиб келинган эди. Унда тасодиф иккинчи даражали, умумий йўналишга таъсир кўрсатадиган асосий куч эмас, деб қаралар эди. Синергетика микрофлуктуция (тебраниб турадиган ҳолат) даврида алоҳида олинган тасодифлар тизимнинг ўзгаришига ҳал қилувчи таъсир ўтказиши мумкин эканлигини кўрсатади. Бундан, юқорида айтганимиздек, тарихий тараққиётда алоҳида шахс ролининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини, унинг тарихни яратишдаги бетакрор иштироки мавжудлигини синергетика кўрсатиб берди, деган хулосага келиш мумкин. Шунингдек, анъанавий фанда ривожланиш пастдан юқорига борадиган босқич, олға қараб кетадиган, муқобилсиз жараён деб изоҳланади. Ривожланиш орқага қайтмайдиган фақат илгарилаб борадиган жараён сифатида қаралди. Муқобил ривожланиш эса, иккинчи даражали, тасодифий ҳолат деб, магистрал йўлдан оғиш деб тушунтирилган.

Ривожланиш объектив асосдаги универсумга бўйсунади, тасодифлар ана шу умумтенденцияларга таъсир этолмайди, деб қаралган. Мураккаб тизимнинг ривожланиши бир томонга йўналтирилган бўлмай, балки турли вертикал ва горзонтал йўналишда бўлиши мумкинлигини, бу йўналиши бир неча муқобилли йўллардан ташкил топишини синергетика кўрсатиб берди. Ривожланиш йўллари турлича экан, бу жараён ўзига хос, ўзига мос йўлни танлаб олиш имкониятини беради. Бу йўл инсон фаолиятини бузишга эмас, балки бунёдкорликка, табиат ва жамиятни ардоқлашга, уларга муносабатда эҳтиёт бўлишга чорлайди. Яъни, табиат ва жамият, инсон ва жамият тизимлари бир-бирлари билан синергик (ҳамкорликда) ривожланишни тақозо этади.

Тизимнинг эволюцион йўли кўп бўлса-да, тараққиётнинг маълум даврдаги мақбул йўлини олдиндан кўриб, унинг қонуниятини, салбий боғланишини аниқлаш мумкин. Мана шу жараён детерминизмни янги босқичга кўтарди. Инсон ўзининг руҳиятида яшириниб ётган ҳолатларга эътибор бериб, рационаллик билан иррационалликнинг бирлигини эътироф этишни англаб етди.

Ўз-ўзини ташкил этишга қодир тизим гуруҳи очиқ ва ночизиқли тизим деб аталади. Ночизиқлилик янги парадигманинг асосий концептуал тугунидир. Янги парадигмани ночизиқлилик парадигмаси деб аташ ҳам мумкин. Шунинг учун ночизиқлилик тушунчаси янги дунёқараш маъносини ифодалайди.

Эволюциянинг суръати, ривожланиш даражаси (муҳитда ривожланиш тезлиги) ғояси эволюциянинг орқага қайтмаслик тамойилини, унинг дунёқараш аҳмиятини кўрсатади. Ночизиқлилик маълум муҳитда “кичкина”нинг ҳал қилувчи аҳамиятини кўрсатади, муҳитга, ҳодисаларга тез жавоб бериш характерини очиб беради. Ҳар бир ҳодисанинг ўзига мос йўлини топиш имкониятини кўрсатиб беради. Ночизиқлилик ривожланиш майдони йўлида адашиш ҳам мумкинлигини айтади. Бироқ, синергетика

маълум гуруҳнинг ривожланиш кўламини ҳам кўрсатиб, унинг детирминлашганлигини ҳам исботлайди.

Синергетика “ҳамма нарса сабаб - оқибат асосида боради” деган эскича детерминизмнинг тамойили очиқ ночизиқли тизимлар учун мос эмаслигини кўрсатиб, ночизиқли, очиқ тизимдаги эволюциянинг янги детерминистик тизимини ишлаб чиқди, рационализм ва иррационализмнинг бирлигини, шунингдек, ривожланишнинг альтернатив, кўп йўлли эканлигини ва булар ўзининг атроф-муҳит билан қонунлашув жараёнининг ўзига хос томонини кўрсатади. Шу билан бирга ривожланишнинг горизонтал ва вертикал йўналишининг ўзига хослиги, уларнинг ўзаро бирлиги ҳақидаги детерминистик таълимотни майдонга ташлади. Синергетика лавина шаклидаги ривожланиш жараёнини ҳам кўрсатиб берди. Буларнинг барчаси ночизиқли, очиқ тизим, хаосни тартибга солиш, барқарорлик ва беқарорлик, тебраниб туришнинг қонуниятларини кўрсатди, детерминизмнинг янги тасаввурини берди.

И. Пригожин ва унинг мактаби мувозанатсиз ҳолатлар физикаси ва динамик тизимнинг ҳозирги замон назарияси соҳалари методлари билан ночизиқли мураккаб ташкилланувчи жараёнлардаги (масалан, кимёвий, физик, биологик, климатология, ижтимоий ва ҳ) эволюция, ўз-ўзини ташкиллаштирувчи жараёнларни ўрганади ва бу нарса дунё ҳақида бизнинг тасаввурларимизни ўзгартирди.

Ҳаммага маълум, бизнинг билишимизнинг категориялари тарихий-илмий босқичларнинг натижасида, яъни якка илмий тушунчалардан умумилмий тушунчаларга ўтиш билан келиб чиқади. Бизнинг фикримизча, чизиқлилик ва ночизиқлилик тушунчалари фақат математика ва физика фанларининг тушунчалари эмас, балки умумилмий тушунчалар статусига эга. Бу тушунчаларнинг умумилмий тушунчалар сифатидаги илмий мавқеини айниқса ҳозирги замон илмий билишида бир қатор олимлар ишларида кўриш мумкин. Масалан, ўз ўзини ташкиллаштирувчи жараёнларда

ночизиқлиликнинг принципиал аҳамиятини И. Пригожин, Г. Николис, Г. Хакен, М. Эйген, Рузавин, И.С. Добронравова, Е.Н. Князева, Курдюмовлар эҳтимолият ғоясини тушуниш контекстида Ю.В.Сачков, фалсафий-дунёқараш контекстида Милов, физика-математика методологиясида Я.И.Свирский, ва бу тушунчаларнинг илмий билишдаги аҳамияти ҳақида К. Майнцер, Н.Н. Моисеев, В.С. Анищенко, О. Файзуллаев, Д.И. Трубецков, Н.Казаков ва бошқалар кўрсатиб ўтади. Масалан, айрим муаллифлар мураккаб дунёни ўрганишда шундай хулосаларга келишади, яъни «бизнинг табиатга қарашимиз кўплик ва мураккаблик томонга радикал ўзгарган»[1] бўлиб, «чизиқсиз тафаккур фақат маълум бир чегара шароитида яхши ишлайди ва бундай ёндашув кўп ҳолларда табиий илмларда, иқтисодиётда, сиёсатда ва маданиятда нотўғри, ҳатто ҳавфли тасаввурларга олиб келди»[2]. Шунингдек, классик табиий илмларда баён қилинган дунё манзарасидан фарқли, «чизиқсиз дунёнинг ҳозирги замон манзараси, оламнинг спонтан келиб чиқиши жараёнини баён қилиб, шу билан бирга иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ментал жараёнлар ҳам ночизиқлилик қонунияти билан характерланганлигини»[3] айтиб ўтади. Яъни, ночизиқлилик мураккаб дунёнинг бошланғич ва асосий белгиси экан, табиий равишда, қуйидаги саволлар туғилади: ночизиқлилик ва шу билан бирга чизиқлилик мураккаб дунёнинг қандай томонларини акс эттиради?, ночизиқлилик тушунчаси мураккаб дунёни билиш контекстида қандай концептуал аҳамиятга эга?

Илмий билиш тарихида дунёни бир томонлама ўрганиш ҳукмронлик қилган даврлар бўлганлиги бизга маълум. Айниқса, математика соҳасида француз математиги Ж.Адамар фақат ёлғиз ва барқарор бўладиган, корректли масалалар билан шуғулланди. Шунингдек геометрия (Евклид), физика (Ньютон), масалан фалсафа (Томас Гоббс, Ламетри ва б.), социология

---

[1] Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. Новый диалог человека с природой.-М.:Прогресс.-1986. -34 с.
[2] Майнцер К. Сложность и самоорганизация.// Вопросы философии.-М.1997.-№ 3. -С.48.
[3] Милов Ю. Парадигма нелинейности в методологии физико-математического познании: Автореф. дис. ... кан. филос. наук.1992. -11 с.

(О.Конт), иқтисодиёт (А.Смит) ва бошқа соҳаларда дунё механик қонунлар асосида ривожланади, деб ўрганди. Яъни, оламга идеал гигант механизм сифатида қаралиб, илмий билишда парадигмаси узоқ вақтгача чизиқли тафаккур ва чизиқли ёндашув хукм сурди. Масалан, Евклид геометриясида ҳамма шакллар текис ва тартибли бўлган, Ньютон дунёсида сабаб ва оқибат ўртасида мутлақ боғлиқлик занжири мавжуд бўлган. Лекин, ҳақиқий воқеликда ҳамма шакллар ва жараёнлар юқоридаги тасаввурларга мос келмайди. Умуман олганда, Евклид, Ньютон қарашлари чизиқли тафаккур ва чизиқли ёндашувга асосланган эди. Тадқиқотчилар мазкур дунё манзараси ҳақида шундай фикр билдиради: «Одамзот олдида чексиз катта Ер шари бўлиб, жой ва чексиз ресурслар ҳаммага етади деб, уларнинг тугаши ҳақида ўйламади.... Фазо ва вақт бир маъноли ва изотроп, атроф дунёнинг ўтмишини ва келажагини тўла башорат этиш мумкин, деган тасаввур ва қарашларга эга бўлди»[1]. Воқеликдаги нарса ва ходисаларнинг табиати ҳақидаги бундай қарашлар чизиқли тафаккур махсули деб қараш мумкин. Математика фанида сон тушунчасининг кенгайиши билан боғлиқ масалани тадқиқ қилганда, рационал сонлар ва иррационал сонларнинг юзага келиши билан боғлиқлиги бунга мисол бўлади.

Маълумки, воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни илмий асослаш учун кишилар уларнинг, масалан, узунлик, масса, тезлик в.ҳ. хоссаларини (миқдорларини) билиши лозим бўлган. Мазкур миқдорларни аниқ улчаш талаб қилинади. Шу сабабдан уларни аниқ ўлчаш зарурияти келиб чиқади. Мазкур масаланинг ечиш натижасида мазкур миқдорларни ўлчашнинг бирликлар тизими, аникроқ айтадиган бўлсак ясама модели ишлаб чиқилди. Мазкур моделда, аниқ ўлчаш учун аниқ ишлаб чиқилган эталонлари асос бўлиб хизмат қилади. Сабаби, ўлчаш бирлиги аниқ қийматга эга бўлишни тақозо этади. Миқдорларни аниқ ўлчаш учун қабул қилинган бирликлар

[1] Кудрявцев И.К., Лебедев С.А. Синергетика как парадигма нелинейности.// Вопросы философии.-М. 2002.-№12.-С.55.

математик нуқтаи назардан рационал сонлар тўплами билан аниқланади. Математика фанида рационал сонлар вокеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг тартибли, барқарор, такрорланувчи (даврий), бир қийматли томонларини ифодалашда қўлланилади. Аммо, воқеликдаги нарса ва ҳодисалар доим ҳаракатда, ўзгаришда бўлиб уларнинг хоссаларини (миқдорларини) ҳар доим бир қиймат билан аниқлаб бўлмайдилар. Кишилар баъзи бир миқдорларни аниқ ўлчашда рационал сонларнинг етарли эмас эканлигини аниқлади. Натижада улар иррационал сонларни кашф қилдилар. Иррационал сон эса, нарса ва ҳодисаларнинг тартибсиз, беқарор, такрорланмайдиган (даврий бўлмаган), бир қийматли бўлмаган томонларини ифодалайди. У «бирлик билан ўлчаш мумкин бўлмаган, бутун ва каср рационал сонлар билан аниқ ифодаланмайдиган хақиқий сондир»[1]. Демак, сон тушунчасининг кенгайиши билан инсоннинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини кенгроқ ва теранроқ тушунишга, чизиқли тафаккурдан ночизиқли тафаккур томон ҳаракат қилинганлигига, билишда ночизиқли ёндашувга дастлабки қадамлардан эди.

Демак, юқоридаги фикрлардан чизиқли тафаккур ва чизиқли ёндашувнинг асосида, биринчидан, аддитивлик хоссаси ўринли эканлиги маълум бўлади. Аддитивлик - (лат. Addition - қўшиш) бутун объектга мос келадиган миқдорнинг қиймати, у объектни хоҳлаганча бўлакларга бўлганда мос келадиган миқдорлар қийматларининг йиғиндисига тенг бўлади, деб тасдиқланадиган миқдорларнинг хоссасидир.[2] Иккинчидан, сабаб ва оқибатнинг пропорционаллиги, суперпозиция тамойилининг тўғрилиги, яъни «иккита ҳар хил омилларнинг биргаликдаги таъсири натижаси, уларни ҳар қайсисини алоҳида олгандаги таъсирларининг натижасининг оддий суперпозицияси бўлиб»[3], тизимнинг ташқи муҳитдан ёпиқлиги ва унинг

---

[1] Баймуратов Х.А., Жапакова Ф.Н., Нуржанов О.Д. Математика бойынша тусиндирме созлик. – Нокис.: «Билим», 1992. - 81 б.

[2] Уша жойда: [160]. -7 б.

[3] Николис Г., Пригожин И. Познание сложного: Введение. -М.: Мир, 1990. -73 с.

ривожланиши фақат миқдорий ўзгаришлар, аста-секинлик, чизиқли, муқобилсизлик, яъни дунёнинг (тизим табиатининг) шундай шароитларига мос келгандаги томонлари ётади.

Математика фанида функция тушунчасини таснифлаганда чизиқли ва ночизиқли функциялар турлари мавжуд. Ҳар қандай f(x) функцияси чизиқли ҳисобланади, агар унинг графиги тўғри чизиқ билан ифодаланса (чизиқли функция икки ўзгарувчига боғлиқ бўлса, унинг графиги текислик бўлади).

Чизиқли функциянинг умумий кўриниши f(x) = ах + в, f(x) = $а^2$х + ву + с турида ифодаланади. Агар мустақил ўзгарувчининг миқдори бир нечтага орттирилса, унда чизиқли функциянинг миқдори ҳам шунча ортади. Яъни, ўзгарувчи билан функция қиймати пропорционалдир.

Функция чизиқли бўлмаса, унда у ночизиқли функция ҳисобланади. Ночизиқли функция икки ёки ундан ортиқ, мустақил ўзгарувчи ёки ўзгарувчиларга эга бўлади. Унинг умумий кўриниши f(x) = $ах^2$ + в, f(x) = аху + в ва ҳ. таризида ифодаланади.

Бир сўз билан айтганда, чизиқлилик тушунчаси дунёнинг ривожланиш йуналишида, унинг шундай шароитларига мос келадиган, яъни барқарорлик, айниятлилик, тартиблилик, мувозанатлилик, орқага қайтувчанлик, аниқлилик ва шунга ўхшаш томонларини акс эттиради. Лекин, дунёда доим тартиб, мувозанат, барқарорлик, бир кийматлиликка асосланган ёпиқ тизим мавжуд бўлмайди. Тизимнинг «очиқлиги, яъни ташқи муҳит билан модда, қувват ва ахборот алмашуви»[1] ҳисобидан тизимдаги юқорида қайд этилган ҳолатлар беқарор, мувозанатсиз ҳолатларга келади.

Бизнинг фикримизча, чизиқли тафаккур ва чизиқли ёндашув объектив дунёнинг мураккаблигини ва қонунларини яхлит ҳолда, тизимли, яъни адекватли ўрганмайди. Демак, «мураккаб дунёнинг тузилмаси чизиқли эмас, балки кўп ўлчамлидир, ёпиқ, чекли эмас, балки очиқ, чексиздир,

---

[1] Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. Новый диалог человека с природой.-М.: Прогресс, 1986. -17 с.

мономарказли эмас, балки полимарказлидир.... – дунё манзараси айнан шундай бўлиб, чизиқли, дискурсив тафаккурга, формал мантиққа тўғри келмайди».[1] Бу ҳозирги замон илмий билишда, мураккабликни билишда ночизиқли ёндашувнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатади. Мураккаб ташкилланувчи жараёнларни ўрганиш, методологик ёндашувнинг, тафаккур тарзининг ўзгариши билан чизиқли ёндашув ночизиқли ёндашувга ўрнини бўшатмоқда. Масалан, ночизиқли ёндашув арсеналида ночизиқли механика, механик ночизиқли тизимнинг даврий ҳаракати ўрганилиб, механик ҳаракат қонунлари ҳақидаги бизнинг билимларимизни янада кенгайтирди. Шунингдек физика фани соҳаси ҳисобланган оптикада иш олиб бораётган Р.В. Хохлов ва С.А.Ахмановлар илмий мактаби, оптиканинг, масалан, чизиқсиз эффект гормоник генерацияси ва частоталарнинг аралашувида, ёруғлик, тўлқинлар муҳитида янги тўлқинларнинг келиб чиқиши ҳодисаларини ўргандилар. Бу изланишлар натижасида, ночизиқли оптика бир нечта соҳаларда: физика ва техника, биология, кимё, хатто минералогия тадқиқотларида усул базаси сифатида хизмат қилмоқда.[2] Кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, «ночизиқлилик ва ҳозирги замон ночизиқли моделлар ҳақида тасаввур ва қарашларга эга бўлмай туриб, мураккабликни билиш мумкин эмас»[3]. Ночизиқли ёндашувнинг асосий моҳияти нима?

Ночизиқли тизим ва ночизиқли ёндашувнинг характерли белгиси – ҳолатларнинг кўплиги, ривожланиш йўллари имкониятларининг кўплиги. Бунда ҳолатлар сони, уларнинг сифатий хусусияти тизимнинг ўзининг хусусиятлари билан аниқланади. Агарда, тизим бифуркация нуқтасидан узоқроқ бўлса, фақат сонли ўзгаришлар кузатилади, тизимнинг сифатий ҳолати ўзгармайди. Аммо бифуркация нуқтасида ташқи таъсир камлиги

---

[1] Григорьева Т.П. Синергетика и Восток.// Вопросы философии.-М.1997.-№3.-С.98.

[2] Макаров В.А. Квантовая электроника и школа Р.В.Хохлова и С.А.Ахманова по когерентной и нелинейной оптике в Московской университете.//Успехи физических наук.-М.2004.-№10.-С.1131-1132.

[3] Князева Е.Н., Курдюмов С.П. Антропный принцип в синергетике.//Вопросы философии.-М.1997.-№3.-С.62-79.

натижасида тизимнинг хусусияти тубдан ўзгаради.[1] Яъни, ночизиқлилик тушунчаси мураккабликнинг қуйидаги томонларини акс эттиради: кўп вариантлилик, жараёнларнинг орқага қайтмаслиги, жараёнларнинг кейинги ҳолатини бир маънолига эга эмаслиги, беқарорлик, ривожланиш йўналишининг муқобиллиги, мураккаб тизимнинг табиатига мос келган шароитларидаги ҳолатлари. Бундай тизимда суперпозиция тамойилига ўрин йўқ, яъни «ночизиқли тизимга унчалик катта бўлмаган ташқи таъсир, жуда катта оқибатларга сабаб бўлади».[2]

Умуман олганда ночизиқлилик, дейди тадқиқотчи, «тизимнинг дастлабки тузилмасининг бузилиши, яъни симметриянинг бузилиши, тартибнинг камайишидир, баъзи бир ҳолатларда ночизиқлилик хаос бўлиб ҳисобланади».[3] Ночизиқли парадигма мураккабликни билишда И.Пригожин ва И.Стенгерс таъкидлаб ўтганидек, инсоннинг табиат билан янгича диалогини тақозо этади. Масалан, «инсонга синергетик (ночизиқли) ёндашув – бу инсоннинг соғлигига янгича ёндашув»[4], ҳар хил флуктуациялар (тасодифлар) таъсири бифуркация нуқтасидан кейинги «ўзгаришларнинг келиб чиқишига тайёргарликдир»[5]. Умуман олганда, мураккаб дунёни ўрганиш учун холистик ёндашув кераклигини, заруратини тақозо этади. Буларнинг ҳаммаси, бизнинг фикримизча, мураккабликни билишда ночизиқли ёндашув билиш субъектининг ижодкорлик, фаоллик, очиқлик, кўпқирралилик хусусиятларини юзага чиқаради ва ривожлантиради.

Лекин юқорида қайд этилганлар чизиқли ёндашувнинг аҳамияти камайишини билдирмайди. Аксинча, чизиқлилик ва ночизиқлилик мураккаб жараёнларнинг ажралмас қутбларидир, нари борса, чизиқлилик ночизиқлиликнинг якка ҳолатларидан биридир. Яъни, мураккаб тизим

---

[1] Кудрявцев И.К., Лебедев С.А. Синергетика как парадигма нелинейности.// Вопросы философии.-М. 2002.-№12.-С.73.
[2] Николис Г., Пригожин И. Познание сложного: Введение. -М.: Мир, -1990. -73 с.
[3] Готт В.С. Философский-методологические проблемы современной физики.-М.:1989.- 319 с.
[4] Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. Новый диалог человека с природой.-М.:Прогресс.1986.-71 с.
[5] Князева Е.Н., Курдюмов С.П. Основания синергетики. - М.: КомКнига, -2005. -185 с.

бифуркация нуқтасида маълум бир тасодифий таъсир туфайли, кўп вариантли (ночизиқли оқибат) спектрларнинг фақат битта спектрида (чизиқли оқибат) намоён бўлади, бошқа спектрлар тизим учун ёпилади. Шунингдек, мураккаб тизимнинг динамикаси, яъни динамик қатори ҳам детерминациялашган, ҳам тасодифий аъзоларнинг йиғиндиси бўлиб, тизимнинг битта бифуркациясидан иккинчи бифуркация нуқтаси оралиғидаги даврда чизиқли қонуниятлар амал қилади. Бу даврда детерминизм, зарурият, узлуксизлик, сонли ўзгаришлар, қонуниятлар ҳукмронлик қилади, ва буларни биз маълум бир қонуниятга, мантиққа олиб келиб ўргана оламиз.

Мураккаб тизим динамикасининг ночизиқлилик оқибати, яъни бифуркация нуқтасида вазият бутунлай бошқача бўлади. Тизимнинг бифуркация нуқтасидан кейинги юқори даражадаги барқарорлик даражасига ўтиш спонтан рўй бериб, ҳеч қандай детерминизмга ўрин бўлмайди. Бу жараённи тасодифлар бошқариб, спонтан ҳодисалар сабабсиз рўй беради, яъни соф тасодиф ҳодисаси намоён бўлиб, ҳеч қандай сабабли боғланиш бўлмайди, мантиққа тўғри келмайди. Демак, чизиқлилик ва ночизиқлилик мураккаб тизимнинг динамикасида биргаликда мавжуд бўлиб, тизимдаги қарама-қарши томонларни акс эттиради. Масалан, Н.Н.Моисеевнинг фикрича[1], табиат ва жамият тизимлари динамикасининг (табиат ва жамият эволюциясини) синергетик (ночизиқлилик) қонуниятга бўйсинишини кўрсатиб ўтади. Демак, табиатдаги эволюцион жараёнлар ҳам, жамиятнинг ривожланиши ҳам чизиқлилик ва ночизиқлиликнинг биргаликда намоён бўлиши билан кечади. Бизнинг тафаккур жараёнимиз ҳам – чизиқли (чап ярим мия) фаоллиги билан, чизиқсиз (ўнг ярим мия) фаоллигининг, яъни тартиб ва хаоснинг ўзаро таъсирининг натижасидир. Бир сўз билан айтганда,

[1] Моисеев Н.Н. Логика динамических систем и развития природы и общества.//Вопросы философии.-М.1999.-№4.-С.4-10.

чизиқлилик ва ночизиқлилик ҳамда уларнинг бирлиги, объектив дунёнинг қарама-қарши ривожланиш мантиқини акс эттиради.

Умуман, чизиқлилик - математик нуқтаи назардан математик тенглама тури ҳисобланиб, ягона ўзгарувчига эга бўлган биринчи тартибли тенглама сифатида тушунилиб, унинг ечими фақат битта ечимга эга бўлади. Бунда унинг физик маъноси – чизиқли тенгламанинг ечими тизим эволюцион йўлининг фақат битта, ягона эканлигидан иборат. Дунёқараш нуқтаи назардан ҳодиса ва жараёнларнинг ягона йўналганлиги ҳисобланиб, моҳият, мақсад ёки структуранинг олдиндан берилган муқобилликсиз реализацияси тушунилади. Ривожланишни бундай тушунтириш қўйидаги асосларга эга: 1. Чизиқли ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи куч ягона бошланғич асос, субстанция сифатида намоён бўлади. 2. Мазкур асосга гносеологик жиҳатдан аксиомалар тизими сифатида қаралади. 3. Объектнинг тузилишига тасодифий омиллар таъсири эътиборга олинмайди. 4. Баъзи бир ҳолларда жараёнларни акс эттириш, редукционизмга олиб келади. Демак, чизиқли тафаккур ва чизиқли ёндашув объектив дунёнинг мураккаблигини ва қонунларини яхлит ҳолда, тизимли, яъни адекватли ўрганмайди.

Ночизиқлилик – математик нуқтаи назардан математик тенглама тури ҳисобланиб биттадан кўп ечимга эга, ночизиқли тенглама тушунилади. Ночизиқли тенглама бир нечта сифат жиҳатдан ҳар хил бўлган ечимга эга. Бундан ночизиқлиликнинг физик маънога эга. Ночизиқли тенгламанинг ечимининг кўплиги тизим эволюциясининг кўп вариантлилигидан келиб чиқади. Демак, дунёқараш нуқтаи назаридан ночизиқлилик – жараёнлар ривожланишининг кўп вариантли имкониятлари мавжудлиги билан характерланиб, қуйидаги асосларга эга: 1. Объект (нарса ва ҳодисалар) гетероген, полиморфен. 2. Универсал тизимнинг мавжуд эмаслиги, яъни бундай тизим нисбий ва чегараланган. 3. Гносеологик жиҳатдан тадқиқот объекти классик фан парадигмаси доирасида тадқиқ этилмайди, балки

холизм руҳида ўрганилади. Тадқиқот жараёнида объектга эҳтимолий ёндашиш зарурияти билан характерланади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, чизиқли ва ночизиқли тафаккур тарзига илмий таъриф бериш билан уларнинг билишдаги ролини қуйидагича изоҳлаймиз.

Чизиқли тафаккур – билиш жараёнининг муайян таркибий қисмларидан бири эканлиги, тафаккурнинг бирёқлама йўналганлиги билан характерланади. У олдиндан белгиланган барқарор ҳолатдаги аксиомалар тизими, норма ва қонун-қоидалар, схемалар ва шунга ўхшаш тизимлар ёрдамида амалга ошириладиган руҳий фаолият туридир. Чизиқли тафаккур нарса ва ҳодисаларни билишда бир томонлама ёндашиш, улар ҳақида бир томонлама тасаввур ва қарашлар мажмуаси сифатида намоён бўлади.

Мазкур тафаккур доирасида билиш жараёни олдиндан берилган аксиомалар тизимидан, қатъий схемалардан тебранмайди, яъни четга чиқмайди. Бу ўз навбатида тафаккурнинг инерцияси билан боғлиқдир. Яъни, чизиқли тафаккур жараёни – тафаккурнинг фаол бўлмаган ҳаракатидир.

Чизиқли тафаккур доирасида фақат ақл билан, нарса ва ҳодисаларнинг маъқул ва маълум томонлари, хоссалари устида фикр юритилади. Тизимдаги ақлга бўйсинмайдиган номаълум ва номаъқул томонлар тафаккурдан четлаштирилади. Аниқроқ айтганда, тизимда бўладиган беқарорлик, хаотик ҳолатлар эътиборга олинмайди. Тизимга тасодифий таъсирларнинг роли ҳисобга олинмайди.

Ночизиқли тафаккур – билиш жараёнининг компонентларидан бири ҳисобланиб, тафаккур йўналишининг кўп вариантлилиги билан характерланиб, билишда тизим табиатини ягона қаътий аксиомалар тизими, қонунларда адекватли акс эттириб бўлмаслиги билан ифодаланади.

Ночизиқли тафаккур тарзида тизимга таъсир этувчи кичик таъсирлар ҳам эътибордан четлаштирилмайди. Сабаби, тизим флуктуациялардан ҳам таъсирланади. Кичик флуктуациялар таъсири ҳатто бутун тизим

структурасини тубдан ўзгартириши мумкин. Демак, тизимнинг доимо барқарорлиги, чизиқли ҳолатига кафолат бўлмайди.

Чизиқли тафаккурни математик нуқтаи назардан таҳлил этадиган бўлсак, тенгламанинг инсонга маълум, мантиқан тушунарли, рационал ечимлари тан олиниб, ундаги номаълум, ақлга бўйсинмайдиган, мантиқий изоҳлаб бўлмайдиган, яширин, иррационал ечимлари эътибордан четлаштирилади. Рационал ечимлар тизимнинг барқарорлиги, табиатига мослиги билан изоҳланади.

Иррационал ечимлар эса ночизиқли тафаккур тарзи билан боғлиқ ҳисобланиб, тизимнинг беқарорлик, ассиметрик, бетартиб томонлари билан мослиги тушунилади. Демак, ночизиқли тафаккурда тадқиқот объектини ҳар томонлама яхлит тизимли, полипарадигмавий ёндашишни талаб этади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб ночизиқли моделлаштиришга қуйидагича таъриф берамиз: ночизиқли моделлаштириш – ўрганилаётган объектнинг хоссалари ва ҳолатини адекватли акс эттирувчи ва у орқали воқеликнинг ночизиқли моҳиятини билиш жараёни сифатида объектнинг ички қарама-қарши алоқадорликлари, унинг ривожланишини, белгиловчи томони ҳисобланган моҳиятни тўхтовсиз, узлуксиз очишдан ва билишдан иборат бўлган билиш усулидир.

Умумий хулоса қиладиган бўлсак, моҳият ҳодиса орқали намоён бўлиб, ҳодиса эса моҳиятнинг ташқи ифодаланиши воқеликдаги ночизиқли ҳодисаларнинг моҳияти ҳам ночизиқлидир. Мазкур моҳиятни очишда уни адекватли акс эттирадиган тушунчалардан фойдаланиш лозимдир. Фикримизча, синергетиканинг концептуал аппарати тушунчаларидан фойдаланиш тадқиқ этилаётган объектни адекватли акс эттиради. Шу сабабдан ҳам ночизиқлилик тушунчаси ҳозирги замон илмий билишда воқеликдаги мураккаб ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятини билишда гносеологик мавқеига эга. Шунингдек, бундай мақсадга етишишда замонавий математик методларнинг имкониятлари ҳам алоҳида рол уйнайди.

# III БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ РАЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

## 3.1. Миллий ғоя ва рационаллик трансформацияси

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт халқимизнинг азалий орзусидир. Ушбу ғоя мамлакатнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга. Зеро, биринчидан, мамлакатимизда яшаб турган барча халқлар шу шиор орқали бирлаштирилади; иккинчидан, унда мамлакат ривожланишининг аниқ мақсади қўйилган. Миллий ғояни тарғиб қилишнинг йўллари кўп. Ҳозирги даврда шаклланаётган ижтимоийлик янги тушунчалар, тамойиллар ҳамда назариялар билан бойитиб келинмоқда. Тобора ўзгариб бораётган ижтимоий жараёнларни эски тушунча ва ёндашувларга асосланган ҳолда тушунтириб бўлмайди. Луғату ибораларимиз, ижтимоий мулоқотларимиз янгича тушунча, тамойиллар билан бойиб бормоқда. Буларнинг барчаси ижтимоий ҳаётимизда содир бўлган ўзгаришларни акс эттиради. Масалан: ривожланишнинг “ўзбек модели”, бозор иқтисодиёти, демократия, инсон ҳуқуқлари, бизнес, мустақиллик, глобаллашув, ахборотлашув каби тушунчалар тафаккуримиздан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Демак, тафаккур тарзи, фикр юритиш усуллари ҳам ўзгариши керак. Бу эса қийин жараён. Ижтимоий жараёнлар жадал суръатлар билан ўзгариб бормоқда, инсон эса ушбу ўзгаришларни тамоман англаб, акс эттиришга улгурмаяпти.

Ёш авлод ушбу ўзгариб турган ижтимоий воқеликни, жадал ривожланиб бораётган фандаги янгиликларни тўғри ва тўлиқ ўзлаштиришида таълим-тарбиянинг аҳамияти катта. Таълим-тарбия, аввало ёшларга, ҳаёти давомида муҳим аҳамиятга эга бўлган, мустақил фикр юритиш асосларини ўргатади, шунингдек, замонавий фан ютуқларидан хабордор, яратувчилик ғоялари билан қуролланган, муайян билимларга эга бўлган ёш авлодга миллий ғояни тарғиб этишда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Бу каби ёшларни

тарбиялашда фалсафанинг таъсир доираси кенг бўлиб, уларда яратувчанлик, ўзгариб турган дунёда тўғри йўл топиш қобилиятларини ривожлантирувчи мустақил, танқидий, плюралистик дунёқарашни шакллантиради. Бу дунёқараш бой маданий меросимиз, замонавий фан ютуқлари, ахлоқий нормаларга таянган бўлади.

Миллий ғояни амалга ошириш, уни инсонлар онгига етказишнинг хилма-хил йўллари мавжуд. Бу жараёнда қуйидаги вазият вужудга келади: эски тушунча, нуқтаи назарлар ўрнини борлиқни адекват акс эттирувчи янгича тушунча, назариялар эгаллаши лозим. Миллий ғоя маънавий бой ўтмишимиз, ҳозирги давр ва келажакни боғловчи замон ва маконда мавжуд бўлади. Ватанимиз келажаги кундалик фаолиятимиз, олдимизга қўйилган мақсадларимизга етишиш, намоён бўлаётган янгиликларни тез англаб олиш каби муаммолар билан боғлиқ. Бугунги кунда олдимизга қўйилган мақсадлар сари ҳаракатимиз келажакда ўз самарасини бериши, яъни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш учун замин бўлиши керак.

Конституциямиз ва Ўзбекистон ривожланишининг модели ушбу ғоянинг илмий-назарий, методологик асоси бўлиб хизмат қилади. Масалан, қонун устуворлиги тамойилини олайлик. Аждодларимиз ҳам қонун, тартибга итоатли бўлишган, уларга риоя қилишни юксак баҳолаганлар. Чунончи, Абу Наср Фаробий ўз асарларида қонуннинг жамиятда тутган ўрни, мавқеи тўғрисида шундай фикр юритган: “Халқ қонунларга эҳтиёж сезиши ва уларни чуқур ўрганиши зарур, чунки улар кейинчалик халқнинг ўзига фойда келтирадилар. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди”[1].

Фаробий асарларида халқни, ҳукмдорларнинг қонунга бўлган эҳтиёжи, уни адолат, фозилликка олиб борувчи йўллари фалсафий таҳлил этилган. Унинг фикрича, ҳар қандай қонун ўрнатиш онгли равишда ихтиёрий бўйсуниш шароитидагина муҳим кучга эга бўлади. Қонун ўрнатишда мажбурлаш, куч ишлатиш ёки бу борада қарорлар қабул қилиш билан эмас,

---

[1] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.–Т., 1993. 18-бет.

балки таълим-тарбия орқали ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим ҳисобланади. Қонунлар амалда самарали ишлаши учун зарур билимлар, белгиланган қонун-қоидаларни ишга туширувчи механизмлар, таълим-тарбия тизими ва мувофиқ методология бўлмоғи лозим. Қонун орқали бошқариш одатда бошқарув объектига салбий таъсир ўтказувчи субъектив омилнинг таъсир даражасини пасайтиради. Қонунга қатъий риоя қилиш ҳам ҳукмдорларнинг, ҳам халқнинг "аҳмоқона қилмишлари"нинг олдини олади ва фозилликка етаклайди[1].

Ҳар бир қонун – рационаллик маҳсулидир. Фаробий қонуннинг жамият ривожланиши, осойишталиги, барқарорлигига доир аҳамиятини очиб бериб, ақлни, рационализмни юксак даражага кўтаради.

Мутафаккирнинг мамлакат, халқ фаровонлиги билан боғлиқ бу фикрлари миллий ғоямизни амалга оширишда катта аҳамият касб этади. Ғоядан амалиётга ўтиш мураккаб жараёндир. Ҳар бир шахс мақсадига ўзи танлаган йўл орқали эришади, давлат ҳам, ўз навбатида, миллий ғоянинг амалиётга жорий этилишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади (турли-туман қарорлар, фармонлар ва ҳоказо).

Рационаллик инсон фаолиятида ҳам, фалсафада ҳам чуқур илдиз отган. "Рационаллик", "рационал бўлиш" тушунчаларини аниқлаш, уларни таснифлаш кўпчилик файласуфлар учун тадқиқот предмети бўлиб келмоқда. Рационаллик мақсадга эришиш усули сифатида қадимги фалсафий йўналишларда ҳам қўлланилган. Лекин рационаллик шаклланишининг фалсафий-тарихий жиҳатлари, унинг ижтимоий-сиёсий қайта тикланиши, таснифланиши масалалари ушбу қўлланма мақсадига кирмайди.

Бир қарашда рационаллик муаммоси соф гносеологик, яъни билишга доир мазмунга эга. Назаримизда, рационаллик муаммоси ҳозирги вақтда, яъни республикамиз мустақилликка эришиб, янги ижтимоий муносабатлар –

---

[1] Муҳитдинова Ф.А. Абу Наср Фаробийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти: Юрид.фан.номз. дисс. автореферати. – Т., 2001. - 24-бет.

бозор иқтисодиёти билан боғлиқ муносабатларга асос солинаётган бир вақтда, алоҳида аҳамият касб этади. Ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши қадриятлар, идеаллар, дунёқарашнинг ўзгаришига олиб келади. Яъни рационаллик муаммоси нафақат гносеологик, назарий, дунёқараш билан боғлиқ мазмунга, балки амалий, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга ҳам эга. Инсоннинг билиш фаолияти ҳам, амалий фаолияти ҳам рационалликка асосланади. Рационаллик нафақат билиш қуроли, балки ижтимоий амалиёт воситаси ҳамдир. Унинг тараққиёти нафақат фан ривожланиши, балки ижтимоий-маданий муҳитнинг яхлит таъсири билан боғлиқ. Рационаллик кундалик онгимиз орқали англаб бўлмайдиган воқелик қатламларига кириб бориб, ўзига хос ғоялар, ғоявий (хаёлий) тузилмалар дунёсини яратади. Инсон фаолияти жараёнида бу ғоявий тузилмалар дунёси объективлашади, реал борлиқдан ҳамда шахсий қарашлар, кечинмаларга эга бўлган индивиддан бегоналашади, шахснинг билиш ва амалий фаолиятида фойдаланилади.

Рационал фаолият инсон томонидан мақсад қўйиб, амалга ошириладиган фаолиятдир. Бундай фаолият субъект, мақсад ва унга эришиш воситаларини онгли равишда танлаш, мақсадни фаолият натижасига айлантирадиган пухта ўйлаб чиқилган ҳаракатлар мажмуалари борлигини тақозо этади. Рационал онг ғоявий тузилмаларда воқелик жиҳатларининг моҳият борлиғини қайд этади. Рационал билиш натижаси очиқ тизимни ифодалайди, яъни бошқа тизимлар билан ўзаро таъсир учун, инсон ҳаётининг барча соҳаларида маълумот алмашиш учун очиқ тизимдир.

Коммуникация яъни, маълумот алмашиш муаммоси ҳозирги даврда ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Рационал ёндашиш коммуникация жараёни ўларoқ давлатлараро алоқаларни, маълумот алмашиш, шунингдек иқтисодий, маданий ва бошқа алоқаларни қайта тиклашни ўз ичига олади. Илмий, маънавий-маърифий маълумотлар алмашиниши харажат ва вақт сарфлашни талаб этмайди, шу билан бирга уларнинг таркибида катта ҳажмдаги

билимлар мавжуд. Ҳозирги замон технологиясида эришилган ютуқлар барча мамлакатларга, шу жумладан республикамизга ҳам, компьютер тармоғига уланиш имконини беради.

Замонанинг фан ютуқлари, сиёсий ва ишлаб чиқариш технологияларидан рационал фойдаланиш жамиятнинг ижтимоий–маданий, иқтисодий даражасига таъсир этади.

Муайян шароитларда одамларнинг объектив бўлмаган қарорлари, хатти-ҳаракатлари рационаллик жиҳатдан асослаб берилади. Бундай ҳолатлар маъмурий-тоталитар тартиб даврида ҳам яққол намоён бўлди. Қарорларнинг рационаллигидан "одамлар устидан ўз ҳукмронлигини амалга оширувчи баъзи қатламлар авторитар ақиданинг чексиз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш воситаси сифатида"[1] фойдаландилар. Тоталитар тартибни мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган қарорларнинг тўғрилиги, ҳақиқийлиги рационаллик билан тенглаштирилди. Бундай ёндашувлар мамлакатда ўтказилган қатағонлар, "маданий" инқилобларни оқлашга асос бўлди.

Инсоннинг бошқа инсонларни бошқариши, яъни эркакларнинг аёлларга, катталарнинг болаларга, бюрократиянинг халққа нисбатан ўз ҳукмини ўтказиши жараёни рационалликнинг муайян шаклига асосланганлигини тахмин қилса бўлади.

Сиёсий рационаллик инсониятнинг ривожланиш даврида шаклланиб келиб, ҳозирги даврда жамиятда ўрнатилмоқда. Унинг асосий ғояси давлат манфаатларини ҳимоя қилишдир. Ушбу жараён муқаррар индивидуаллашиб бориши тоталитаризмнинг оқибатидир. Шунинг учун бу жараёндан қутулиш, унинг айрим оқибатларига эмас, балки сиёсий рационализм асосларига қарши чиқишни назарда тутади[2].

Инқилоб таълимоти, агар ҳукумат мустабид бўлиб, аксарият халқнинг иродасига бўйсунмаса, одамлар ўз ҳукуматини ағдаришга нафақат ҳақлидир,

---

[1] Швырев В.С. Рациональность как ценность науки // Вопросы философии. - 1992. -№ 6. – С.92.
[2] Фуко М. Интеллектуал и власть. Ч. 2. – М., 2002. – С.316.

балки бунинг учун куч ишлатишлари лозим, деган фикрга асосланади[1]. Ҳокимиятни эгаллаган большевиклар ана шу ёндашишдан фойдаланганлар.

Иккинчи нуқтаи назар мавжудки, у ҳеч қандай шарт-шароитда зўравонлик билан ҳукуматни ағдариш билан амалга оширилган инқилобни оқламайди. Демак, “инқилоб” тушунчаси ижтимоий шарт-шароитлар ўзгаришини ўзида акс эттиради. “Эволюция” тушунчаси эса секин-аста шаклланиб бориш, бир бутунликнинг ўзгариб бориши, сифат ўзгаришларини ифода этади.

Илмий инқилоблар эса фанда тубдан ўзгаришлар содир бўлишини билдиради. Унда фандаги янгиликлар, тушунчалар, назариялар, янгича ёндашувлар ўз аксини топади.

Жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларида босқичма-босқич, мўътадил амалга ошириладиган ислоҳотлар кескин ўзгаришлар, глобал бурилишлардан афзалдир. Бунда ривожланаётган жамиятнинг бир бутунлиги, мураккаб ички ва ташқи алоқалари бузилмайди.

Одамлар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг бир-бирини тушуниши, шунингдек шахс томонидан ўз маънавиятини шакллантириш жараёнлари уларга рационал ёндашишни талаб этади.

Хурофот, иллатлардан ҳоли бўлган ақл реал воқеликни объектив, холисона ўрганади ва бундай ақл инсон табиатининг энг муносиб кўринишда намоён бўлишидир**.** У табиатни, объектив дунё моҳиятини ўрганади, жамият ҳаёти ва шахс хатти-ҳаракатлари, феъл-атвори, меъёри ва қоидаларини қайд қилиб боради.

Инсоннинг жамиятдаги хатти-ҳаракатлари, феъл-атвори, ахлоқ ва ҳуқуқ нормалари, ахлоқий қадриятлар билан белгиланган. Ақл шахс фаолиятининг турли соҳаларида намоён бўлади. “Амалий ақлдан амалий, этик ва ахлоқий мақсадларда фойдаланиш фаолият кўрсатиш мақсадида, техник ва стратегик

---

[1] Джон Сомервиль. Понятие революции и демократическая традиция // Вопросы философии. – 1998. – №11. –С.93.

кўрсатмалар, ҳал қилувчи ҳаётий танлов ва ахлоқий мулоҳазаларни амалга ошириш учун тавсиялар бериш демакдир”[1]. Ақл шахс йўналишлари, феъл-атвори қоидалари, ҳаракатларини қайд этиб боради.

Жамиятда тизимли ташкилотлар (масалан, армия, ҳукумат органлари ва ҳ.к.) вужудга келади. Шу билан бирга жамиятда узлуксиз эволюцион жараён давомида ўз-ўзидан юзага келадиган тартиблар, ташкилий тизимлар бўлиб, улар ўз-ўзини ташкил этади ва тартибга солади (чунончи, ахлоқ, бозор, нархлар, тил, ҳуқуқ). Улар кишилар ғояларининг рўёбга чиқиши натижаси, объективацияси эмас ва улар ягона марказ тарафидан назорат қилинмайди. Бу тартиблар, ташкилий тизимлардаги ички мувофиқлик умумий мақсадга бўйсуниш ҳисобига эмас, балки умуминсоний ахлоқ нормаларига риоя қилиш ҳисобига эришилади. Уларни инсоний ақл фаолияти натижаси эмас, балки инсоний ҳаракатлар натижаси деб аташ мумкин[2].

Бироқ онгли ҳаракатлар билан бирга ақлсиз ҳаракатлар ҳам мавжуд. Масалан, урушлар, табиатга зарар етказиш, ҳайвонлар турларини нобуд қилиш, экологик мувозанатни бузиш кабилар – ақлсиз ҳаракатлар таркибига киради. Ақл бизга “ана шу салбий ҳодисалар тўғрисида гапириш, оғриқ, дард-аламдан қийналиб қолганларга ён босишимиз “ақлсизликлар” рўй бераётганини етказиш учун берилган эмасми”[3].

## 3.2. Ижтимоий муштараклик тизими ва рационалликнинг ўзаро мутаносиблиги

Ҳозирги даврга келиб, ер юзидаги тинчлик, барқарорлик масалалари ўз моҳиятини йўқотмагани ҳолда, баъзи бир мамлакатлар учун ўта долзарб, асосий муаммоларга айланиб бормоқда. Чунки сайёрамизнинг айрим ҳудудларида уруш, беқарорлиқ, миллий тўқнашувлар содир бўлиб турибди.

---

[1] Швырев В.С. Рациональность как ценность науки // Вопросы философии. – 1992. –№ 6. –С.92.; Хабермас Ю. Демократия, разум, нравственность. – М., 1992. –С.15.
[2] Капелюшников Р.И. «Дорога к рабству» и «дорога к свободе»: полемика Ф.А. Хайека с тоталитаризмом // Вопросы философии. – 1990. – № 10. –С.104.
[3] Хабермас Ю. Ўша асар. – 83-бет.

Натижада инсонларга, маданият ҳамда маданий қадриятлар салмоқли путур етмоқда.

Мамлакатимизнинг барқарорлиги, миллий хавфсизлиги, ижтимоий муштараклиги ва ҳудудий яхлитлигига ташқи хавф йўқ эмас.

Мамлакатимизда қабул қилинган конституцион ҳуқуқий нормалар ва қонунлар асосида ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий ўзгаришлар амалга оширилмоқда ва бу демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуришда барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиёт кафолатларини таъминловчи омилдир.

Шунинг учун барқарорликни, миллий хавфсизликни таъминлаш учун жамиятимиз фуқаролари ўртасида ижтимоий тотувликка интилиш, ижтимоий муштараклик бўлиши зарур.

Ҳозирги кунда жамиятимизда ижтимоий тузум алмашиши жараёни кечмоқда. Бу жараён эса мамлакат тараққиётини олға қараб боришининг асосини ташкил қилувчи ислоҳотлар мажмуининг моҳиятини, уларнинг ҳаётийлигини англашни ва шу билан бирга уларни барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиёт кафолатлари сифатида тушуниш энг муҳим муаммолардан биридир. Айни вақтда, ислоҳотларни амалга ошириш мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ва бошқа шарт-шароитларга бевосита боғлиқдир.

Албатта, ислоҳотларнинг амалга оширилиши, бозор муносабатларига ўтиш даври қийинчиликлар, етишмовчиликлар, ишсизликнинг кўпайиши билан кечади. Ушбу мураккаб шароитда ҳам кўп миллатли Ўзбекистон халқи ислоҳотлар йўлини танлади ва қўллаб-қувватлади.

Бу биринчидан, жамиятда барқарорлик кафолати бўлса, иккинчидан, ислоҳотларнинг натижалари жамиятдаги ҳамжиҳатликни, барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилидир ва ижтимоий муштаракликни тақозо этади.

Демократик давлат қуриш жараёни инсонлар фаолиятининг серқирралигини, турли-туманлигини тақозо этади. Ушбу жараёнда фаолият ва фикр, манфаатлар, эҳтиёжлар, қадриятларни танлаш плюрализми, яъни

кўплиги билан белгиланади. Улар баъзида бир-бирига қарама-қарши бўлган қарашлар, фаолиятларда намоён бўлади. Бироқ булар ижтимоий тангликсиз, тинч, осойишта йўл билан ҳал қилинмоғи лозим.

Ижтимоий барқарорлик ва мамлакатнинг олға қараб ривожланиши жамиятни ҳар томонлама ислоҳ қилиш жараёнининг фундаментал таянчи ҳисобланади. Чунки барқарорлик турли хил қарашлар бирлигининг шарти ва ички ҳамда ташқи мувозанатни сақлаш воситаси ҳамдир.

Республикамиз фуқароларининг аксарият қисми туб ўзгаришларни жамиятда кенг кўламлилигини амалга оширишнинг ажралмас шарти бўлган барқарорлик, тинчлик тарафдоридирлар.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик, миллий хавфсизлик, барча соғлом фикрловчи фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг ижтимоий муштараклигига асосланади.

Ижтимоий муштараклик жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар ва айрим жамият аъзолари учун мақбул бўлиб, ўз мақсадларини, орзу-ниятларини амалга оширишда тенг имкониятлар ва шароитларга эга бўлишларининг мажмуасидир. Ижтимоий муштараклик, муроса маълум бир қадриятлар тизимига асосланган бўлиб, бу қадриятлар жамиятнинг аксарият қисмига сингишиб кетган. Тинчлик, тотувлик, хавфсизлик, барқарорлик, ижтимоий адолат каби қадриятлар шулар жумласидандир. Масалан, ҳозирги кунда Ўзбекистонда 20 га яқин диний конфессиялар фаолият кўрсатмоқда, 100 дан ортиқ элатлар ҳамжиҳатликда яшамоқдалар. Тинч, фаровон яшаб, ижтимоий фаолият билан шуғулланиш учун фуқаровий, миллатлараро тотувлик, барқарорлик билан бирга ижтимоий адолат, толерантлик муносабатлари мавжуд бўлиши керак.

Плюрализмга устунлик берилган демократик давлат, фуқаровий жамиятда ижтимоий муштаракликни, фуқароларни ўз мақсадларига эришишда имконият ва шартлар тенглиги ҳақидаги ижтимоий келишув деб ҳам аташ мумкин. Бунга мисол қилиб бир қатор тамойилларни келтириш

мумкин, уларни амалга ошириш эса ижтимоий муштаракликнинг асоси деб қаралади.

Булар барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, эркин танлаш ҳуқуқи, ўз иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқи инсонларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиши ва амалга ошириши ҳамда бошқа шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи, мулкдорлар синфи ҳуқуқ ва мавқеини ҳимоя қилувчи ижтимоий адолатни таъминловчи тамойиллардир. Ушбу тамойилларга риоя қилиш эса жамиятда қабул қилинган Конституция нормалари ва қонунларга мос келадиган ижтимоий муштараклик, барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиёт кафолатлари деб қарашга имкон беради.

Шу билан бирга, иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга ошиши, инвестицияларнинг кўпайиши, маданий-маърифий алоқаларнинг ривожланиши ва бошқа бир қатор соҳалардаги ютуқлар жамиятдаги барқарорликка, ижтимоий муштаракликка бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги шароитда ижтимоий муштараклик Ўзбекистон барқарорлиги ва олға қараб ривожланишининг асоси сифатида жамият фаолиятининг барча соҳаларида амалга ошмоқда.

Жумладан, иқтисодий барқарорлик республика фуқароларига ҳам, ташқи инвесторлар учун ҳам, иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва ривожлантиришда қулай шароит туғдиради. Ҳозирги кунда мамлакатимизда бунинг учун ҳуқуқий ва иқтисодий асослар яратилган. Инвестициялар эса, ўз навбатида, иқтисодиёт таркибининг прогрессив ўзгаришини таъминлайди.

Маълумки, Ўзбекистонда ҳаётий зарур товарларни ишлаб чиқариш мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги учун катта стратегик аҳамият касб этади. Шу боис бугунги кунда энг асосий вазифалардан бири юқори сифатли товар ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилишдир. Бу республиканинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ўсишга олиб келади. Ўзбекистон импорт қилувчи давлатдан экспорт қилувчи давлатга айланмоғи лозим. Давлат учун ниҳоятда

муҳим бўлган ушбу вазифани амалга ошириш эса ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик, хавфсизликнинг асосидир.

Масалан, сўнгги пайтларгача мамлакатга инсонлар эҳтиёжи учун муҳим бўлган туз, гугурт ва бошқа товарлар ташқаридан олиб келинар эди. Бироқ қисқа вақт ичида давлат нафақат кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган товарлар қарамлигидан, балки ғалла, нефть каби стратегик маҳсулотлар қарамлигидан ҳам халос бўлди.

Бугунга келиб хорижий капитал билан ҳамкорликда улкан автомобилсозлик корхонаси қурилган, рангли металларни ишлаб чиқарувчи, нефтни қайта ишловчи корхоналар қурилиб, ишга туширилмоқда, алоқа ва коммуникация тизимлари таъмирланмоқда ва янгиланмоқда. Бу ўзгаришлар, ютуқлар, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигининг асоси эса ижтимоий-сиёсий барқарорликдир.

Иқтисод соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар давлатнинг бошқарув ролининг чегараланиши ва хусусий мулк кенг тарқалган кўп укладли иқтисоднинг шаклланиши, жамият ишлаб чиқаришида етакчилик мавқеига эга бўлган мулкдорлар синфининг шаклланишига ва фаолият кўрсатишига шароит ва имкониятлар яратиб бермоқда. Шу сабабли республикамизда кичик бизнес ва эркин тадбиркорлик фаолияти кенг ривожланган.

Мулкдорлар синфининг шаклланиши ва улар қаторига фуқаролар қатламининг тобора кенгроқ қўшилиши эса кишилар моддий турмушининг яхшиланишига олиб келади, бу эса, ўз навбатида, уларнинг бошқа соҳаларда ҳам муваффақиятга эришишига имкон яратади. Маданият, фан, санъатга ошно бўлиш инсонни маънавий бойитиб, ҳар томонлама етук, комил инсон бўлишига ёрдам беради, ижтимоий фаоллигини оширади.

Бундан ташқари сиёсий фаоллик, сиёсий маданият, нодавлат нотижорат ташкилотлари роли ва ҳуқуқларининг ортиши бошқа омиллар билан бирга барқарорлик ва тотувликнинг янада мустаҳкамланишига шароит яратади.

Чунки бунда фуқароларга ўз ҳаётларини ва жамият ҳаётини ташкил этишда иштирок этиш имкони юзага келади, бу эса фуқаролик жамияти тамойилларига мос келади ва барқарорликни, ижтимоий хавфсизликни мустаҳкамлайди ва уларни амалга оширишни кафолатлайди.

Турли сиёсий партияларни, ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат ва жамоат уюшмалари ўз аниқ режалари, мақсадлари, услублари асосидаги конструктив алоқалари, ижтимоий ҳаётнинг турли қирраларини ифодалаб, фаол сиёсий фаолиятини, сиёсий маданиятни шаклланишига ва бу орқали амалга ошаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришларни у нуқтаи назардан баҳолашга, уларда яратувчилик руҳида фаол иштирок этишга имкон яратади.

Бундан ташқари, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда улар давлат органларига посанги вазифасини бажариши, улар манфаатлари ва ижтимоий ўзгаришларга ўз муносабатларини билдириш орқали ҳокимиятнинг сайлов органларида фаол иштирок этишда жамият тараққиётининг боришига самарали таъсир кўрсатади.

Манфаатларни ушбу демократик йўл билан ифодалаш имконияти барқарорлик, хавфсизлик ва жамиятни олға қараб ривожлантиришнинг асосларидан биридир. Бунда нодавлат ва жамоатчилик ташкилотларининг фаолиятлари демократик қадриятлар доирасида амалга ошиб, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш орқали амалга ошади.

Мамлакатимизда шаклланиб келаётган бозор муносабатлари демократик, ҳуқуқий давлатимиз ҳамда ижтимоий ҳаётнинг (яъни фуқаролик жамиятининг) рационал ташкил этилишини талаб этади.

Буларнинг барчаси ягона мақсад сари – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, инсон фаровонлиги ва унинг камол топиши йўлида барча шароитларни яратиб, ҳуқуқий давлат қуришга йўналтирилган. Мақсадга эришишнинг турли йўллари, воситалари мавжуд. Мақсад – йўналишни белгилайди, йўналиш эса оқилона режа тузишни талаб этади. Мақсадга

